O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# Посбон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 8 (3432) 2002 йил 21 февраль, пайшанба Сотувда эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## ҚУРБОН ҲАЙИТНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида" 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2002 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 22 февралга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2002 йил 22 февраль куни дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 15 февраль.



**Бош муҳаррир минбари**

## БИЗНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИМИЗ

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики у нафақат жамият аъзоларига таъсир кўрсатади, балки тақдиримизни ҳал этиш аҳамиятига эга бўлади. Ўтган ҳафтанинг охирида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган йиғилиши ўзбекистонликлар учун ана шундай воқеа бўлиб қолди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари ҳисобот даврида эришилган натижаларни таҳлил қилар экан, ўтган йил иқтисодиётимизда, бутун жамиятимизда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган изчил тадбирларни жорий этишда муҳим босқич ва уларнинг мантиқий давоми бўлди, деди.

Президентимиз ўз маърузасида кейинги йилларда бўлгани каби, 2001 йилда ҳам мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туришга эришилгани ва иқтисодиётимизнинг ўсиб бориш жараёнлари давом этганини таъкидлади. Натижада ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳажми 4,5 фоизга, саноат ишлаб чиқариши 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш эса 4,5 фоизга кўпайди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларига мос равишда пасайди.

Юртбошимиз ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий аҳволини белгилайдиган асосий кўрсаткич – ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича 2001 йил якунларига нафақат ислоҳотлар бошланган 1991 йил даражасига чиқиб олганимиз, балки 103 фоизга ўсишга ҳам эришганимизга эътиборни қаратди. Бунинг натижасида жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари 103,1 фоизни ташкил этди. Аҳолининг реал даромадлари эса 16,9 фоизга ортди.

Агар 90-йиллар бошида кечирган ўта мураккаб қийинчиликларимизни кўз олдимизга келтирсак, деди Президентимиз, бизга эски тузумдан бирёқлама ривожланган, асосан хом ашё беришга мослаштирилган ночор иқтисодиёт мерос бўлиб қолганини, иқтисодиётимизни янгича қуришга қаратилган ҳаракатларимизни, кейинги икки йилда рўй берган қурғоқчиликнинг салбий оқибатларини, 90-йилларнинг охирида бутун жаҳон иқтисодиётини танг ҳолга солиб қўйган иқтисодий ва молиявий таназзулни холисона инобатга олсак, бу эришган натижаларимизнинг аҳамияти ва қиммати янада ортади.

Энг муҳими, давлатимиз миқёсида ҳам, ҳудудлар ва тармоқлар бўйича ҳам иқтисодиётнинг молиявий мутаносиблиги мустаҳкамланганини Президентимиз алоҳида таъкидлади. Давлат бюджетининг даромад қисми бўйича деярли барча кўрсаткичларнинг ошириб бажарилгани нафақат бюджет тўловларини ўз вақтида амалга ошириш, балки аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, реал иқтисодиёт тармоқлари ривожини зарур сармоялар билан таъминлаш, молиявий йилнинг бюджет камомадини ялпи ички маҳсулот миқдорига нисбатан белгиланган 1,5 фоиз ўрнига бир фоиздан кам даражада якунлашга муваффақ бўлинди.

Мамлакатимизда институционал ўзгаришлар жараёни сезиларли даражада чуқурлашди, бозор муносабати механизмлари ва рағбатлантириш омилларининг иқтисодиётга таъсири кучайди.

Йиғилишда ҳисобот даврида республикамиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, тармоқлар ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ушбу мақсадларга чет эл сармояларини кенг жалб этиш сиёсати ҳаётга фаол жорий қилингани айтиб ўтилди.

Валюта сиёсатида жиддий ўзгаришлар юз берди, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш жараёни чуқурлашди. Халқаро молия ташкилотлари билан икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш борасида мустаҳкам пойдевор қўйилди.

Табиий ва минерал хом ашё бойликларидан самарасиз, хўжасизларча ва қонунсиз фойдаланиш ҳолатлари қайд этилмаганда, мустақил Ўзбекистонда ҳаётни янгилаш, демократик давлат ва ҳуқуқий жамият барпо этилишида эришилаётган ютуқлар янада салмоқли бўларди.

Президентимиз ўз маърузасида тараққиёт ва фаровонлик сари дадил боришимизга тўсқинлик қилаётган ана шу сабабларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб берди.

Юртбошимиз жорий йилда жамиятимиз бор куч ва имкониятларни бажарилишига қаратиши лозим бўлган иқтисодиётимизни ислоҳ этиш ва янада эркинлаштиришнинг энг муҳим ва ҳал этувчи йўналишлари, бу борадаги муаммолар хусусида тўхталиб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бу йўлда олға қадам қўйиш, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш имконини беради. Шу боис, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар бир киши ўзига топширилган соҳада, бошқарув ва хўжалик юритишнинг ҳар бир тузилмаси, ҳар бир бўғини эса, белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ушбу муҳим ишдаги ўрнини аниқ ва равшан белгилаб олиши, аниқ дастурга эга бўлиши зарур.

Республика Ички ишлар вазирлиги бўлинмаларининг ходимлари давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни бажариш учун фуқароларимиз хавфсизлиги даражасини ошириш, ўзбекистонликлар Ватанимиз равнақи йўлида яратувчилик ишларини амалга ошириши ва тинч ҳаёт кечириш учун осойишталик ҳамда тартиб-интизомни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтиришлари лозим. Фуқароларимиз ҳуқуқ-тартибот посбонлари бу вазифани шараф билан уддалашига ишонадилар.

**Бугунги сонда:**

## МУСУЛМОН ОЛАМИНИНГ ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИ

**Эртага ер юзи мусулмонлари улуғ ва энг азиз байрам – Қурбон ҳайитини нишонлайдилар. Бу айёмнинг мавқеи ва фазилатлари ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Ҳожи Абдураззоқ Юнус билан бўлган суҳбат эътиборингизга ҳавола этилади.**

16-бет

## ОКЕАН ТУБИДАГИ ХАЗИНА



**Олимларнинг тахминий ҳисоб-китобларига кўра океан сўнгги беш юз йилда қазиб олинган олтин ва кумушнинг саккиздан бир қисмини ўз қаърига олган экан.**

5-бет

**Хатлар, хатлар...**

## МУШТАРИЙ ТАКЛИФ КИРИТАДИ, ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

**Ўтган йил давомида таҳририят почтаси орқали 2000 га яқин хат-хабарлар, 50 дан ортиқ ариза ва шикоятлар олганимиз ҳам муштарийларнинг бефарқ эмаслиги, газетанинг ҳар бир сонини диққат билан кузатиб боришаётганини кўрсатиб турибди.**

4-бет

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Сарҳисоб

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ИИВ тизимларида молия-хўжалик фаолиятининг 2001 йил якунлари ва 2002 йил вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров кириш сўзи билан очиб, ўтган йили республика ички ишлар идоралари тизимлари хўжалик-молиявий фаолиятини ташкил этиш ва юритиш борасида амалга оширилган ишларга тўхталди.**

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра 2001 йил учун Молия вазирлиги томонидан нафақалар, моддий-техника базасини ташкил қилиш, капитал қурилиши каби соҳалар учун зарур маблағлар ажратилди.

Нотиқ ИИВ Ижтимоий-молиявий таъминот хизмати томонидан бажарилган ишлар, эришилган ютуқлар қатори йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам тўхталди. Жумладан, баъзи вилоятларда республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган дастур ва тадбирлар кечиктириб бажарилмоқда. Транспорт воситаларининг бетўхтов ишлаши йўлга қўйилмаган. Айрим ходимларнинг айби билан ишда нохуш ҳолатлар юзага келаяпти. Бундай нохушликларнинг олдини олиш учун мустаҳкам тартиб-интизом ўрнатиб, билимдон, зукко ходимлар тайёрлаш зарурлиги айтиб ўтилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан ИИВ Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Ў. Аҳмедов, Моддий техника ва таъминот бошқармаси бошлиғи, полковник Х. Ибрагимов, Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Б. Ханазаров, Хўжалик бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Юнусовларнинг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш иштирокчилари ИИВ Ижтимоий-молиявий таъминот хизмати ва ҳудудий ички ишлар идоралари томонидан 2001 йилда амалга оширилган ишларни қониқарли деб топиб, навбатдаги вазифаларни белгилаб олишди.

**Ўз мухбиримиз.**

Касб тайёргарлиги

# КЎП НАРСАГА ҚОДИР ТЕХНИКА

**Республика ИИВ Бош бошқармалари, бошқармалари, мустақил бўлимларининг бошлиқлари ва уларнинг муовинлари шуғулланаётган Ички ишлар вазири гуруҳида хизмат ҳамда жанговар тайёргарлик бўйича навбатдаги машғулот бўлиб ўтди.**

Бу галги машғулотда Германиядаги "Телероб" фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган, портловчи воситалар ва портлаш хавфи бўлган ашёларни излаш, топиш, зарарсизлантириш ва йўқ қилишга мўлжалланган автомобилнинг техник тузилиши, ишлаш принципи билан танишув кўзда тутилган эди.

Бўлинма ходимлари электроника, объектларни видеокузатув воситалари, компьютер ва робот-манипуляторлардан фойдаланган ҳолда яратилган замонавий жиҳозларнинг имкониятларини намойиш этишди.

Ички ишлар идораларидан ўрин олган шундай техника ва ходимларнинг юқори касб маҳоратига таяниб терроризмнинг ҳар қандай кўринишларини фош этиш мумкин.

Машғулот сўнггида ташкилотчилар қатор саволларга жавоб қайтардилар.

**Ўз мухбиримиз.**

# БОЛАЛАР ВА ҲУҚУҚ

**"Болаларни қутқаринг" халқаро жамғармаси (БҚЖ) Тошкентда ювенал юстиция (вояга етмаганларни адолатли судлов) муаммолари бўйича семинар ташкил этди. Унда вояга етмаганларнинг ўзаро муносабатлари ва боланинг қонундан норози бўлган пайтдаги ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.**

Муҳокамада Болалар жамғармаси, Республика амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ҳуқуқий ёрдам жамияти, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Адлия, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва бошқа идораларнинг вакиллари иштирок этдилар.

"Болаларни қутқаринг" жамғармасининг мустақил маслаҳатчиси Нихиль Рой (Буюк Британия) "Вояга етмаганларни адолатли судлов муносабатларига таалуқли халқаро стандартлар ва амалиётдаги ижобий натижалар" мавзуида маъруза қилди.

Семинар ювенал юстиция муаммолари бўйича 2002—2003 йилларда ўтказиладиган анжуманларга таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди.

**Р. ХВАН,**
*милиция подполковниги.*

# МАРДЛАР ХОТИРАСИ — БАРҲАЁТ

**"Ота-она доғи мерос, фарзанд доғи — тиғи олмос" дейишади. Ҳа, Бибигул опа ўғли Фарҳод Абдуллаевнинг доғини ҳамон унутолгани йўқ, то умрининг охиригача унутолмайди ҳам.**

У пойтахтимиздаги Санъат саройида хайрия концерти бошланишини кутиб ўтириб, кўзига ёш олади.

Онага тасалли бергани сўз тополмайман. Яна ўзига таскин беради. Таскинки, "Ўғлим бекорга ҳалок бўлмади-ку. Бошқа қанча сафдошлари, ўртоқлари омон қолишди. Газандалар янчилиб, эл-юрт тинчлиги сақланиб қолинди-ку!" дейди. У илгари бир шаҳарда яшаб танимаган, энди ғам танитган, яқин қилган Рисолат опа Ҳайитовани (марҳум сержант Ғулом Ҳусановнинг онаси) ҳам юпатгани куч топади ўзида.

Республика ИИВ Ички қўшинлар Бош бошқармаси хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишлаб ўтказилган бу хотира концертининг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлди.

Ички қўшинлар қўмондонининг ўринбосари, генерал-майор В. Мамо тадбирни очар экан, барча марҳум қаҳрамонларни номма-ном ёд этди. Уларнинг концертга таклиф этилган оила аъзоларига миннатдорчилик билдирилиб, эсдалик совғалари топширилди.

Хайрия концертида ИИВ ИҚББ "Осиё юлдузлари" ансамбли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мирзабек Холмедов, Азим Муллахонов, Ҳусан Носиров ўз санъатларини намойиш этишди. Шунингдек, ИҚББ бошқарма бошлиғи, полковник А. Пачес ижро этган қўшиқлар ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Концертдан тушган маблағ марҳумларнинг оилаларига берилади.

**Ўз мухбиримиз.**

**Халқимизда бекорчидан эл безор, деган нақл бор. Ҳамма номаъқул ишлар, шу жумладан, жиноятчилик ҳам аввало бирор фойдали иш билан шуғулланмай, бекор юриш оқибатида келиб чиқади.**

# ТАЯНЧ ПУНКТИДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Шу боис ҳам Кўрғонтепа тумани ИИБ раҳбарияти илгари судланганлар, амнистия туфайли озодликка чиққанларни муқим иш билан таъминлашга жиддий эътибор беряпти. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар билан олиб борилаётган ҳамкорлик қўл келмоқда.

– Яқинда туман марказидаги 1-милиция таянч пунктида "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ўтказилди, – деди туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги А. Маниёзов. – Бу тадбирни туман Меҳнат бандлик бўлими билан ҳамкорликда ташкил этдик. Унда 12 та корхона ва ташкилотлардан вакиллар иштирок этиб, 120 га яқин бўш ишчи ўринлар тавсия этилди. Элликка яқин киши шу ернинг ўзида иш жойларига расмийлаштирилди. Шулардан 37 нафари илгари судланган, амнистия туфайли озодликка чиққан шахслардир.

Шунингдек, туманда айрим ишсизлар ва вояга етмаганларни касб ўргатиш курсларига жалб қилишга ҳам катта эътибор қаратиляпти. Олтмиш нафарга яқин фуқаро шу куни бирор касб-ҳунар эгаллаш учун турли хилдаги курсларга қабул қилинди. Уларнинг аксарияти ёшлар ва ўсмирлар бўлиб, қишлоқ хўжалигида зарур бўлган тракторчилик, ҳайдовчилик, механизаторлик курсларига ҳужжат топширишди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ФАХРИЙЛАР ЖАМҒАРМАСИ

**Жиззах вилояти ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.** Унда истеъфодаги милиция подполковниги Ж. Турдимуродов ички ишлар идоралари фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда фахрийларнинг жойларда тинчлик-осойишталикни сақлашдаги иштироклари тўғрисида маъруза қилди.

Шундан сўнг вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги И. Муродов сўзга чиқиб, бой ҳаётий тажрибага, ҳуқуқий билим ва касб маҳоратига эга бўлган фахрийлар ёш ходимларни тарбиялаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда яқиндан ёрдам бериб келишаётганини таъкидлади.

Шу куни вилоят "Ўзбекистон Республикаси ИИВ фахрийлари" хайрия жамғармасининг таъсис қурултойи ҳам бўлиб ўтди. Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари С. Шукуров ва Адлия бошқармаси қошидаги ҳуқуқий марказ бош директори А. Климентлар жамғарманинг моҳияти, амалга ошириладиган тадбирлар, режалар юзасидан тушунча бердилар. Истеъфодаги милиция подполковниги А. Носиров жамғарма раиси этиб сайланди.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ.**

Оғусиз дунё сари

# ДОЛЗАРБ МАВЗУДА КЕНГАШ

**Тошкентда гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш бўлиб ўтди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ушбу кенгашни ўтказиш ташкилотчилари бўлишди. Қатор халқаро ташкилотлар ҳам тадбирни қўллаб-қувватлашди.**

Кенгаш қатнашчилари — қатор вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича долзарб мавзуда маърузалар ва ахборотлар тинглашди. Унда республика ИИВ ҲООББ бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Р. Хван гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига, гиёҳвандликка қарши кураш юзасидан ахборот берди.

Кенгашнинг тўрт секциясида гиёҳвандни даволаш ва реабилитация қилиш, умумий профилактика, бу соҳадаги қонунчилик, фаолиятни мувофиқлаштириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Кенгаш гиёҳвандликка қарши кураш муаммосининг қатор йўналишлари бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди.

**И. ТОЛБОБОЕВ,**
*милиция подполковниги.*

# ОЧИҚ МУЛОҚОТ

**Тинч-осойишта кунларимиз, осуда тунларимиз, хотиржамлигимиз фидойи касб эгалари – милиция ходимлари туфайли, десак муболаға эмас.**

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари билан Наманган Давлат университети ҳуқуқшунослик факультети талабалари ўртасида ўтказилган очиқ мулоқотда вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги Б. Раҳмонов, истеъфодаги милиция подполковниги О. Сайдазимов ва энди хизматни бошлаган ёш ходимлар шарафли, шу билан бирга сермашаққат касблари ҳақида гапириб, талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

**Д. ТУРҒУНОВА.**

Тақдимот

# ЎЗ ВАҚТИДА ЯРАТИЛГАН ҚЎЛЛАНМА




**Оилада фарзанд дунёга келгач, дастлабки йиллардан унга ҳаёт хавфсизлигининг илк сабоқлари берилади. Хусусан электр асбоблари, газ, гугурт, пичоқ каби хавфли предметлардан эҳтиёт бўлиш йўллари ўргатиб борилади.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан "Инсон хавфсизлиги асослари" дастур-минимумининг ишлаб чиқилгани ва ҳаётга жорий этилгани айни муддао бўлди.

Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчиси Захро Илёсова томонидан яратилган "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" қўлланмаси ана шу дастур-минимум доирасидаги дастлабки саъй-ҳаракатлардан биридир. Яқинда республика илмий техника кутубхонасида ана шу китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирни Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғининг ўқув ишлари бўйича муовини А. Нурхўжаев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг муаллиф йиғилганларга китобнинг яратилиш тарихи ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапириб берди.

Таъкидлаш жоизки, қўлланма умумий ўрта таълим муассасаларининг 5 — 9-синфларида машғулот ўтувчи ўқитувчилар учун мўлжалланган. Ундан ўрин олган мавзулар китобхонни республикамиз ҳудудида рўй бериши мумкин бўлган техноген, табиий, экологик, фавқулодда вазиятлар ва бундай вазиятлар юз берганда аҳолининг ҳаракати, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари, соғлом турмуш тарзи асослари билан таништиради.

Тақдимот чоғида Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси И. Раҳмонов, "Фуқаро муҳофазаси" – "Гражданская защита" журналининг масъул котиби Азамат Суюн ва бошқалар сўзга чиқиб, қўлланма ўз вақтида яратилганини, унда муаммоли вазиятлар ўртага ташланиб, ечими кўрсатиб ўтилгани, тест саволлари намуналари ва кўргазмали плакатлар ўрин олганлиги китобнинг ўзига хос чиқишини таъминлаганини айтиб ўтишди.

Маросим сўнггида муаллиф китобнинг яратилишида яқиндан ёрдам берган ҳомийлар ва олимларга миннатдорчилик билдириб, саволларга жавоб қайтарди.

**Ўз мухбиримиз.**

Мухбир бонг урди!

# НОЗИРНИНГ ДАҒДАҒАСИ

Республикамизда Йўлпатруль хизмати тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз томонидан маъқулланиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, етук кадрлар тайёрлашда кўпгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Шу йил 10 февраль куни 23 А 8688 "Мерседес" автобусида Тошкентга келаётганимизда "Мискин", "Саримой" ЙПХ масканларидаги нозирларнинг муомаласи ва хизмат кўрсатиш маданияти одамлар эътиборини ўзига тортиб, олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасини тасдиқлади. Айниқса, Бухоро вилояти ҳудудидаги "Яхшиобод" ЙПХ масканида ўзини Ҳикмат деб таништирган милиция кичик лейтенантининг йўловчилар билан самимий муомаласи, хизматга "Касб одобномаси" доирасида ёндошуви, ҳужжатлар, юкларни масъулият ва тартиб билан текшируви йўловчилар қалбида ҳурмат уйғотиб, бу тизим ходимларига нисбатан ишончни мустаҳкамлади.

Лекин ЙПХ шахсий таркибининг фидойи, малакали ва тажрибали кадрлари орасида ўз касбига, лавозимига нолойиқлари ҳам борлиги сезилди. Масалан, шу куни Самарқанд вилояти ҳудудидаги "Мирбозор" ЙПХ масканида соат 20.00—21.00 лар оралиғида автобус тўхтатилганда, салонга қўлида фонарь ушлаган ёш йигит чиқиб, салом-аликсиз, ўриндиқлар остини кавлаб, сумкаларни тортиб чиқариб, титкилай бошлади. Йўловчилар асабийлашиб, норозилик кучайгандан кейин, йигитга ўзимни таништириб, кимлигини суриштирдим.

— Посбонман, — деди у кўрслик билан. Лекин буни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсата олмади ва: — Текшириб кел, деб командир жўнатганди, — деди базўр. Шу маскан бошлиғи бўлмиш милиция лейтенантига ўзимни таништириб, мурожаат қилганимда:

— Нега ишимизга аралашасиз, ҳужжат сўрайсиз, сиз кимсиз? — деб бақирди. Мен ҳужжат талаб қилиш учун кимдир бўлишим шарт эмаслиги, унинг ўзини таништириши хизмат вазифаси эканлиги ҳақида босиқлик билан тушунтириб, ИИВ Бирлашган таҳририяти мухбири эканлигимни яна бир бор айтиб ўтдим. Шунда нозир:

— Мен бундай хизмат турини эшитмаганман ва билмайман, — деди-да, тескари қараб кетди. Унинг шериги, ўзини Икром Саидов деб таништирган милиция катта сержанти эса воқеаларга бефарқлик билан қараб турарди. Афтидан у хизмат вазифасига совуққонлик билан қарагани, автобусни текшириш учун ёлланган ўсмирни юборгани учун хижолатда эди. ЙПХ нозирларининг хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндошиб, ўзи қилиши лозим бўлган ишларга уқувсиз ва тажрибасиз ёлланма одамларни жалб қилишаётганини қандай тушуниш керак?

ИИВ нашрлари ҳақида бирон маълумотга эга бўлмаган ЙПХ нозирининг дағдағасини эса изоҳлашга ҳожат йўқ.

**Д. ХУДОЙШУКУРОВ.**

## Газетада босилмади, аммо...

**Таҳририятимизга Фарғона вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти мактабгача таълим бўлими бошлиғи Х. Тўхтасинова хат йўллаб, мактабгача таълим мутахассиси С. Тожибоеванинг номуносиб хатти-ҳаракатлари хусусида шикоят қилганди. Ушбу шикоят хати текшириш ва чора кўриш учун республика Халқ таълими вазирлиги эътиборига ҳавола этилган эди. Яқинда ушбу вазирлик кадрлар бошқармасининг бошлиғи О. Бухоров имзоси билан жавоб хати олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

*"Фарғона вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти мактабгача таълим бўлими бошлиғи Х. Тўхтасиновага мактабгача таълим мутахассисининг ножўя ишлари тўғрисидаги хати вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари иштирокида муҳокама этилди.*

*Йиғилишда С. Тожибоевага ўз шаънига муносиб иш юритиши, Х. Тўхтасинова билан ўрталаридаги адоват иш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши эътироф этилди.*

*Фарғона вилоят суди ва бошқарма томонидан С. Тожибоевага нисбатан етарли чоралар белгиланганлиги, етти йиллик меҳнат фаолияти давомида ўз вазифасини талаб даражасида бажараётгани эътиборга олиниб, эгаллаб турган лавозимидан бўшатилмади.*

*Вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректорига Х. Тўхтасинова фақат ўзига юклатилган вазифа доирасида фаолият кўрсатишини таъкидлаш топширилди".*

Иш билан бандлик

# "ҚУДУҚЛАР" ВА "БУЛОҚЛАР" ЎРТАСИДАГИ ШАҲАР

**Зарафшон шаҳрига кириб борганингизда ўзингизни тўсатдан жаннатга тушиб қолгандай ҳис қиласиз. Сабаби — атрофи бийдай чўл — Қизилқум. Навоий вилояти харитасини кўздан кечирар эканман, шаҳар теграсида номлари булоқ, қудуқ сўзлари билан боғлиқ жойлар кўплигини пайқадим. Янгиқудуқ, Юзқудуқ, Тошқудуқ, Қуруққудуқ, Калқудуқ, Мингбулоқ, Бешбулоқ... Рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Ҳатто Қизилқудуқ деган жой иккита экан. Тўғриям-да. Олис ўтмишда у карвон бўладими ёки чўпон-чўлиқ кўз илғамас саҳро ичида ўзларига биринчи галда энг керак бўлган оби ҳаёт манбаларини эслаб қолишган. Шунга қараб жойларни ҳам номлашган.**

Зарафшон номига келадиган бўлсак, унинг маъносини кўпчилик билса керак. Бу зар сочувчи дегани. Шаҳарни кончилар, чўлқуварлар шаҳри дейишади. Бу ерда турли миллат вакиллари яшашади. Туб жой аҳолиси жуда кам. Шаҳар ёш ва навқирон. Аҳолисининг ҳам аксариятини ёшлар ташкил этишади.

Жиноятчилик йилдан-йилга оз-оздан бўлса-да, камайиб бораяпти. Умумий жиноятлар сонини оладиган бўлсак, бултур 4 тага қисқарибди. Бунда ички ишлар ходимларининг ҳиссасини камситмаган ҳолда, бошқа омилга тўхталмокчи эдим. Бу шаҳарда иш ўринларининг етарлилигидир. Йилдан-йилга ишлаб чиқариш ривожланяпти. Тадбиркорлар, ишбилармонлар учун ҳам шароит яратиляпти.

— Меҳнатга лаёқатли ва хоҳиши, эҳтиёжи бор аҳолининг ҳаммаси иш билан таъминланган. Сўнгги амнистия бўйича икки юздан ошиқ киши озодликка чиққан бўлса, улардан меҳнатга яроқлиларининг барчаси ишга жойлаштирилди, — дейди шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Файзулла Тошев.

Ишлаб чиқариш соҳаси билан банд аҳолининг асосий қисми Навоий тоғ-кон металлургия комбинати корхоналарида, қурилиш ташкилотларида меҳнат қилишади. Шаҳар ҳокимлиги, корхоналар раҳбарлари ҳамиша ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, қўшимча иш ўринлари яратишга эътибор беришади. Юқорида айтганимдек, бу жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил бўляпти. Бекорчидан худо безор. Иши тайин, ойлиги етарли одам ўғриликка, фирибгарликка қўл урса, бунга фақат ўзи айбдор бўлади, ҳеч қандай сабаб-баҳонаси ўтмайди.

Ҳокимлик, корхона ва ташкилотлар ислоҳотлар талабларига мос, замонавий милиция таянч пунктлари қурилишига, мавжудларини таъмирлаш, жиҳозлаш борасида яқиндан ёрдам беришаётган экан. Хизмат сафари билан январь ойида Зарафшонда бўлганимда анча-мунча таянч пунктлари қурилиб, таъмирланиб бўлинган, қолганларида иш қизғин кетаётган эди. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Ш. Шомирзаевнинг ўзи иш бошида. Ҳозир барчасида қурилиш-таъмирлаш ишлари тугалланган бўлса, ажаб эмас.

Профилактика инспекторлари ҳар жиҳатдан қулай биноларда ғайрат билан ишлаётган бўлишлари керак. Ёнларида яраштирув комиссияси, маҳалла оқсоқоли маслаҳатчи, кўмакдош.

Диққатга сазовор томони, ҳар қайси таянч пункти олдида спорт майдончаси ҳам барпо этиляпти. Тасаввур этинг-а, ҳар маҳалланинг ихчамгина спорт мажмуи бўлса. Яхши-да, албатта. Нафақат ёшлар, балки катталарнинг ҳам бўш вақти мазмунли ўтади. Бу ҳам ўзига хос профилактика.

Аммо бир масалани четлаб ўтсам бўлмас. Маълумки, ҳозир аксар "ўзига тўқ, бели бақувват" ишхоналар ўз ходимларини уй-жой билан таъминлашга имкон қадар ёрдамлашади. Чунки оиласидан кўнгли тинган ишчининг ишида унум бўлади. Бир ташкилот имтиёзли кредит ажратади, бошқаси катта миқдорда моддий ёрдам бериб, уй пулининг катта қисмини тўлайди. Учинчиси ўз ҳисобида турувчи турар жой фондига эга.

Хўш, милиция ходимига бу масалада ким ёрдам беради? Кўпроқ маҳаллий ҳокимлик. Ёки ўша ҳудуддаги "бели бақувват", ҳиммати баланд корхоналар. Нега бу ҳақда ёзяпман? Сабаби, хизмат сафарига борган илк куним бир милиция катта лейтенанти олдимга келди.

— Ака, мухбир экансиз. Мен Чернобиль аварияси оқибатларини тугатишда қатнашганман. Уй олишга имтиёзга эгаманми? Икки-уч йилдан бери ҳаракат қиляпман-у натижа йўқ. Нима қилсам экан? — қимтиниб сўради у.

Унга ақлим етганча маслаҳат бердим, йўл-йўриқ ўргатдим, лекин кўнглимнинг бир четини хижил бўлиб қолаверди. Сабаби, милиция ходими хушмуомалалик билан "Хўп, раҳмат!" деб кетган бўлса ҳам, унинг ўзим ўргатган йўл-йўриқларни қилиб кўрганини ич-ичимдан ҳис этиб турардим. Қолаверса, бу ташвиш бошқа ходимларнинг ҳам бошида бўлса керак.

Минг айланиб келмайлик, идорама-идора юрмайлик, милиция ходимининг бу муаммосини ҳал қиладиганлар маҳаллий ҳокимликлардир. Киши берилиб, иштиёқ билан ишлаши учун уй-жойи тайин, оиласи ёнида бўлиши керак. Бекорга уйни Ватанга қиёс қилишмайди, "Ватан остонадан бошланади дейишмайди. Ходимнинг уйи йўқ экан, яқин орада олиш эҳтимоли ҳам бўлмаса, у истайдими-истамайдими бошқа бирор шаҳар ёки туманга кетишни ўйлайди. "Балки ўша ерда яхши хизмат қилсам уй-жой беришар", деб умид қилади. Бу ишнинг самарасига салбий таъсир қилади, кадрлар қўнимсизлигини келтириб чиқаради. Ижара ҳақи унинг кармонини ҳам чақади.

Албатта, бу масалани бир ой ёки бир йилда ҳал қилиб бўлмайди. Аммо муаммо долзарб, ҳаётий деб ўйлаймиз. Ҳаётийлигики, жиноятчиликни камайтиришнинг, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг, яъни ходимларнинг хизмат самарасини оширишнинг бир чеккаси шунга ҳам боғлиқ. Шаҳар ҳокимлиги бу масалага эътиборини кучайтиради, деб умид қиламан. Токи бир хоналик бўладими ёки икки хоналикми — уйлик бўлган ходимда "бу менинг шаҳрим" деган ҳис-туйғу кучайсин, у шаҳрининг, юртининг осойишталиги йўлида жонини жабборга берсин.

**Б. ТОШЕВ.**

## "01" хабарлари

# ҲУШЁРЛИК — АСОСИЙ ОМИЛ

**Маълумки, февраль, март ойларида газ билан боғлиқ бўлган ёнғинлар сони орта бошлайди. Кўпинча буни кунлар исиши билан газ босимининг нисбатан кўтарилишига боғлашга ҳаракат қиламиз. Аслида-чи? Бунинг сабаби ўзимизга яхши таниш бўлган бефарқлигимиздир. Баъзан Худо ўзи асраса, ҳеч гап эмас, деб лоқайдлигимизни ҳас-пўшлашга уринамиз-у, Аллоҳ ўзини асраганни асрайди, деган нақл ҳам борлигини унутиб қўямиз.**

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Фарғона вилояти ҳудудида 200 га яқин ёнғин қайд этилди. Оқибатда бир неча юз минг сўмлик моддий зарар кўрилди. Содир этилган ёнғинларнинг 36 таси эҳтиётсизлик, 24 таси носоз электр тармоқларидан, 75 таси носоз иситиш ускуналари ва тизимларидан фойдаланиш, 15 таси болаларнинг олов билан ўйнаши оқибатида келиб чиқди. Ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларида содир бўлгани бепарволигимиздан дарак беради. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мунтазам равишда олиб борилаётган тушунтириш ишлари ўз натижасини бераяпти, аммо бундан қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди. Айтиш мумкинки, бу борадаги ишлар нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Инсон хавфсизлигини бирор четдан келиб таъминламайди. Мана шу оддий, лекин аччиқ ҳақиқатни тушуниб етмоқликнинг ўзи ҳам катта гап.

**Адолат АБДИЕВА,**
*ички хизмат старшинаси.*

# ОЛОВ ТАФТИ ЯХШИЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

**Қиш кунлари оловнинг иссиқ тафти кишиларга қанчалик ором беришини таърифлашга ҳожат бўлмаса керак. Унга нисбатан бефарқ бўлиш, яъни газ жўмракларини очиқ ҳолда қолдириш, газ плиталаридан иситиш мақсадида фойдаланиш, электр иситиш ускуналарини нотўғри жойлаштириш каби ҳолатлар ташвиш келтиради.**

Кузатишларимиздан шу нарса маълумки, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда ёнғин содир бўлиши эҳтимоллари кўпроқ бўлади. Шунинг учун Самарқанд, Каттақўрғон, Ургут шаҳарлари ҳамда туманларида профилактика ишларини кучайтиришга эътибор беряпмиз. Аҳоли кўп йиғиладиган жойларда, ўт ўчириш автомобиллари ва ёнғин техник марказининг кўчма кўргазмаси ташкил этилиб, фуқаролар билан ёнғин келиб чиқишига доир суҳбатлар уюштирилди. Тадбирларда жойлардаги корхона ва ташкилот, ўқув муассасалари раҳбарлари — умуман ҳар бир фуқаро ёнғиннинг олдини олишга онгли равишда ёндошмас экан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг барча уринишлари, ҳаракатлари зое кетишини мисоллар билан тушунтирилди.

Ёнғин содир бўлган пайтда ер остидан ўтган қувурлардан сув олинадиган мослама — гидрантларнинг айримлари носозлиги янада ҳушёрроқ бўлишни, уларни тезроқ таъмирлашни тақозо этади. Вилоят "Сувоқова" корхонаси билан ҳамкорликда жойлардаги гидрантлар ва сув ҳавзаларининг ҳолати назорат қилиб турилибди. Самарқанд шаҳри, Булунғур, Пахтачи, Нуробод, Жомбой туманларида уларнинг кўпчилиги яроқсиз ҳолда ётгани ташвишлидир. Вилоят ҳокимлиги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига эътиборсизлик билан қараган 20 га яқин раҳбар ходимларга ҳайфсан эълон қилди, айримлари лавозимидан бўшатилди.

Мақсадимиз, касални даволагандан кўра унинг олдини олган афзалроқ деганларидек, кишиларимизда ёнғин хавфсизлиги кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Зеро бу билан ҳаётимиз, саломатлигимиз, оиламизни асраган бўламиз.

**Р. ШОКИРОВА,**
*ички хизмат капитани.*

# UCHINCHI OLAM

«Постда» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI + TV


Тилсимот

# ОКЕАН ТУБИДАГИ ХАЗИНА

**Қадим-қадим замонлардан буён одамлар денгиз ва океанлар оша мамлакатлараро, қитъалараро алоқалар ўрнатишга интилишган. Вақти-вақти билан уммонлару баҳрлар жангу жадал майдонига айланиб, бутун бошли халқлар, мамлакатлар тақдири ҳал этилган. Ана шундай қонли урушлар, табиат ҳодисалари, сув ости қоялари сабаб, қанчалаб кемалар ўз бағридаги одамлари, дуру гавҳарлари билан сув остига чўкиб кетган. Олимларнинг тахминий ҳисоб-китобларига кўра океан сўнгги беш юз йилда қазиб олинган олтин ва кумушнинг саккиздан бир қисмини ўз қаърига олган экан.**

**Бу ҳали ҳаммаси эмас. Тарихнинг гувоҳлик беришича, зилзилалар юз бериши, вулқонлар отилиши ва ҳали бизга номаълум табиат ҳодисалари туфайли қанчадан-қанча шаҳар ва қишлоқлар, ороллар сув остида қолиб кетган. Ҳа, қадим юнон мифологиясига кўра денгиз худоси бўлган Нептун салтанатини инсоният тарихининг ўзига хос музейи дейиш мумкин. Фақат у ўз музейи эшикларини, сирларини ҳаммага ҳам очавермаган. Аммо аҳдида қатъий, мард хазина изловчиларга эса тантилик қилган – бойликларининг бир қисмини улар билан баҳам кўрган. Қуйида ана шундай мард, қатъиятли хазина изловчи ҳақида ҳикоя қилинади.**

Бостонлик Уильям Фипс болалигиданоқ денгиз хазиналарини қўлга киритишни орзу қиларди. У Америка қитъасидан – Янги Дунёдан бортига олтин, кумуш ортиб келаётган улкан кемаларнинг қанча-қанчаси ҳалокатга учраб, чўкиб кетганини эшитгани сайин қизиқиши ортганда-ортарди. Аммо тақдирида бир тасодиф бўлмаганида кема ясовчи дурадгор, кейинчалик контрабандачи Фипснинг болалик орзуси орзулигича қолиши ҳеч гап эмасди.

Ўшанда у Эспаньола оролида эди. Эски, вайрона молхона тарафдан бировнинг ёрдам сўраб қичқирганини эшитилди. Бу тақдир чорлови эканини ўшанда Уильям хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Табиатан жисмонан бақувват, руҳан кучли бўлган Фипс ташландиқ молхонага кирса, икки йигит бир мункиллаб қолган чолни калтаклашяпти. Уильямнинг важоҳатини кўриб, ҳар иккала йигит ҳам тумтарақай қочиб қолишди.

Фипс жабрдийдадан "Нега улар сизни дўппослашди?" деб сўраганида, чол Оттавио сирни очди. Маълум бўлишича, у бир пайтлар ҳалокатга учраган испан галеонида руль бошқарувчи бўлиб хизмат қилган экан.

У ҳалокат жойи аниқ кўрсатилган харитани Уильямга берар экан: "Кемадаги хазинани топсанг, менга ҳам пича олтин берарсан. Бу ишни уддалашга энди қурбим ҳам, қувватим ҳам етмайди", – деди.

Фипс бўлажак сафарнинг нақадар машаққатли, хатарли бўлишини биларди. Чунки кема ҳалокатга учраган жой қароқчилар макони эди. Шунинг учун экспедицияга тайёргарликни бутунлай сир тутиш керак, бунинг устига сафар кемасини техник жиҳозлаш ҳам катта маблағни талаб этарди. Ҳозирги тил билан айтганда, ҳомий топиш керак эди.

Контрабанда соҳасида ҳам айтарли "муваффақият"га эришмаган ёш йигит Англияга йўл олди. Мақсади инглиз қироли Карл II ни ўз режасига қизиқтириш эди. Дабдабали базму жамшидлар ишқибози бўлган Карл II ни эвазига қўлга киритиладиган хазинанинг ўн фоизини олиш таклифи қизиқтириб қўйди. Чунки кетма-кет уюштириладиган зиёфатлар аллақачон ғазнани ночорлаштириб қўйганди.

Шундай қилиб "Жазоир атиргули" номли 18 тўпли қироллик фрегати У. Фипс бошчилигида Кариб денгизи томон йўл олди. Оттавионинг харитасида кўрсатилган жойга лангар ташлаб, маржон рифлари қоплаган денгиз тубини текшира бошлашди. Неча кунлаб изламасин, бир бўлак кумуш ёмбидан бошқа ҳеч вақо топишолмади. Белгиланган муддат охирлаб борарди. Озиқ-овқат захирасининг ҳам таги кўриниб қолганди. Кема экипажи ўртасида норозилик кучая борди. Исён кўтарилиши ҳам ҳеч гап эмасди. Фипс Англияга қуруқ қўл билан қайтишга мажбур бўлди.

Аммо тақдирнинг ўзи омадсиз хазина изловчини қирол билан бўлажак кўнгилсиз учрашувдан асради – Карл II боқий дунёга рихлат қилиб, тахтга укаси Яков II ўтирган экан. Янги қирол ҳатто уни қабул қилишни ҳам ўзига эп кўрмади. Бу Фипс учун айни муддао эди.

Уильям энди янги ҳомий излашга тушди. Бундай шахс топилди ҳам. Ашаддий қартавоз Генри Кристофер – герцог Албемарлскийни Фипснинг режаси қизиқтириб қўйди. У Яков II нинг розилигини олиб, топилажак бойликнинг ўндан бирини қиролга тортиқ қилинишига ваъда берди.

Қирол оқ фотиҳаси шарофати билан "Жентльменлар – саргузашт изловчилар" компанияси Фипсга 3200 фунт стерлинг ажратди. 1686 йил 12 сентябрда Уильям Фипс қўмондонлиги остида икки кема Туманли Альбион қирғоқларидан жануби-ғарб сари сузиб кетди. Кемаларнинг бири 22 тўпли, бошқаси 10 замбаракли эди.

Мана, Фипс яна Багам ороллари яқинига етиб келди. У ёллаган ҳинду ғаввослари кунига ўн марталаб сув остига шўнғисалар ҳам, ғарқ бўлган, бортига ҳисобсиз хазина ортган кемадан ном-нишон топишолмасди. Омад бу сафар ҳам собиқ дурадгордан юз ўгиргандек эди.

Капитан ёрдамчиларини йиғиб сафарлари қариганини эълон қилди. У асабийлашиб тепинаётган пайти оёғи остида, полда нимадир борлигини пайқади. Қараса, маржон ўсимтаси, фақат шакли ғалати – тўртбурчак. Фипс қизиқсиниб, қўлига болта олиб уни чопса ичидан ёғоч қутича чиқди. Уильям яна бир зарб билан уни ҳам синдирди – полга кумуш ва тилла тангалар сочилиб кетди.



Дарҳол маржон ўсимтасини қайси ғаввос қаердан топганини суриштиришди. Тезда ўша жойга бир неча ҳинду шўнғиди. Кўп ўтмай улар бирин-кетин сув остидан сирти маржон ўсимталари билан қопланган "ғиштлар"ни кўтариб чиқаверишди. Ҳатто ғаввослардан бири чўккан кема замбаракларига кўзи тушганини айтди.

Фипс бунга ишонч ҳосил қилиш учун ўзи ҳам ғаввослар қалпоғини бошига кийиб сув остига шўнғиди. Ҳақиқатан 12-15 метрлар чуқурликда галеон топилди. Унинг устини қалин маржон рифлари қоплаган эди.

Иш қизиганда – қизиди. Илк қуёш нурлари денгиз юзасини ёритгандан бошлаб кун ботгунча икки ойдан зиёдроқ ишлашди. Одамлар ҳолдан тойишди. Ичимлик суви айний бошлади. Кок егулик захиралари тугаётганини кўриб, экипажни овқатдан тортди. Бунинг устига бир кун эрталаб қандайдир енгил шлюп уларнинг яқинида тўхтаб, лангар ташлади. Шу пайтда кема бортидаги артиллерия жуда асқотди. Бирваракайига 22 замбаракдан ўт очилиши билан шлюп ҳам испан галеони ёнига равона бўлди.

Фипс испан кемасининг асосий бойликлари ҳали океан қаъридалигини ҳис қилиб турарди. У ўзининг юксак обрў-эътиборидан фойдаланиб, экипаж аъзоларидан яна жиндак сабр қилишларини сўради, уларга ҳар бири ўз улушини олишини яна бир бор эслатди. Ғаввосларнинг энг устасидан галеоннинг пастки трюмига кириб кўришини сўради. Ғаввос капитаннинг илтимосини бажарди. Аммо сув юзасига кўтарилиши билан оғиз-бурнидан қон келди. Унинг ҳатто кема бортига чиқишга ҳам ҳоли қолмаганди. Икки матрос ғаввосга ёрдам беришди. Лекин унинг уриниши зое кетмаганди: нафасини ростлагач трюмда катта сандиқни топганини, ҳарчанд ҳаракат қилса-да, уни ўрнидан силжита олмаганини айтиб берди.

Тайёр хазинани бировларга қолдириб кетиш керак эмас-ку. Бу масалада барча экспедиция қатнашчиларининг фикрлари бир жойдан чиқди.

Галма-гал икки-уч кишидан трюмга тушиб ғаввослар уч кун деганда сандиқни кема бортига олиб чиқишди. Уни очишлари билан тилла тақинчоқларга, зумраду жавоҳирларга тўла эканини кўришди. Ҳамма қимматбаҳо топилмаларни Фипс ва герцог Албемарлскийнинг ишончли кишилари ўлчаб, сафар бошиданоқ юритилаётган ҳисоб-китоб дафтарига қайд қилишди.

Барча денгизнинг бу ҳадясидан беҳад хурсанд бўлиб ҳар қандай қийинчиликка қарамай излашни яна давом эттиришга тайёр эканликларини билдиришди. Аммо океан экспедиция аъзоларига чеккан заҳматлари учун олган туҳфаларини етарли деб ҳисоблади. Улар бошқа трюмларни очиша олмай, Британия оролларига қайтишди. Инсоф билан айтганда, нолиш ношукурлик бўларди. Кема бортида бир неча ўн минг фунт кумуш, 25 фунт соф тилла, кўплаб қимматбаҳо заргарлик буюмлари, дуру гавҳарлар, жавоҳирлар бор эди.

Фипс денгиз тўфонларидан эсон-омон ўтиб, қароқчиларни доғда қолдириб, 1687 йил 6 июнда Англияга қайтиб келди. Энг кўп улуш "Жентльменлар – саргузашт изловчилар" компаниясига ва герцог Албемарлскийга тегди. Офицерлар, боцманлар, кок, матрослар – экипажнинг барча аъзолари ўз улушларини олишди. Фақат қария Оттавио билан ҳисоб-китоб қилиш Фипсга насиб этмади. Чол ўз сиридан айрилиши билан тез орада қазо қилган экан.

Топилган хазинанинг ўндан бирини – 20 минг фунт стерлингни қўлга киритган Яков II собиқ кема дурадгори Уильям Фипсга рицарлик унвони берди. Тез орада янги рицар қўш медаль билан ҳам тақдирланди.

Фипснинг кейинги тақдири қайғули тугагани учун ҳикояга шу ерда нуқта қўйишни лозим топдик.



**Хориж матбуоти материаллари асосида Б. ТОШЕВ тайёрлади.**

Шундай инсонлар бор бўлсин!

# ҚАЛБДАГИ ҚУЁШ



**Қорақалпоқ заминидан спорт, фан, техника ва адабиёт каби кўплаб соҳалар бўйича машҳур кишилар етишиб чиққан. Ҳикоямиз қаҳрамони эса олим ҳам, ёзувчи ҳам эмас, оддийгина ўқитувчи. Лекин унинг ибратли ишлари Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олса арзийди. Чунки Кегейли туманида туғилиб, ўн икки ёшидан Нукус тумани Нукус ширкат хўжалигида яшаб келаётган Алланиёз оға сал кам етмиш йиллик ҳаёти, қирқ йиллик ўқитувчилик фаолияти давомида фақат эзгу ишлар қилди. У ёзги таътил пайтида ўзи ясаган олти кўзли қолипда ғишт қуйиб, ёрдамга муҳтож, ёлғиз, ногирон қарияларни топиб, уларга уй-жой қуриб ёки иморатларини таъмирлаб берар, лекин меҳнати учун ҳақ олмасди. Шу кунгача у ўз қўли билан қирқ бешта иморат қурди. Шулардан иккитаси мактаб, иккитаси болалар боғчаси, иккитаси тиббиёт пункти, биттаси эса кутубхона. Бундан ташқари Алланиёз оға моддий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ёки ёлғиз яшовчи, ночор оилалардан 174 тасининг уйини таъмирлаб берди.**

Кексаларга кўмаклашадиган, етим-есирларнинг бошини силайдиган, ночорларга қайишадиган, меҳр-оқибат, ғамхўрлик ва эзгулик инсонларни бирлаштирувчи, жипслаштирувчи куч эканлигини амалда исботлаб келаётган 4-ўрта мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Алланиёз Ўтениёзовнинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унга "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи", "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвонлари берилган. Кўкрагини "Жасорат", "Шуҳрат" медаллари безаб турибди. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида эса Алланиёз оға Президентимизнинг Фармони билан "Ўзбекистон Қаҳрамони" юксак унвонига сазовор бўлди.

Алланиёз оға билан суҳбатлашиш мақсадида хонадонига ташриф буюрганимизда унинг умр йўлдоши Ирисбика момо хушмуомалалик билан қарши оларкан, у кишининг ҳужжатли фильм учун суратга тушиш учун кетгани, келадиган вақти ҳам бўлиб қолганини айтиб, ичкарига таклиф қилдилар.

Хона тўрида осиғлик турган улкан гиламга ғалати плакат илинган. Ундан Алланиёз оға ёрдам берган кексаларнинг суратлари, исм-шарифлари, манзиллар, шунингдек мактаб, боғча, тиббий пункт ва кутубхоналарнинг кўринишлари ўрин олганди.

**— Алланиёз оғанинг хайрия ишларига қандай қарайсиз?** — суҳбатга тортдик момони. Онахоннинг ажин босган юзида табассум пайдо бўлди:

— Тўғри, дастлаб бир оз ғашим келган. Бироқ буни у кишига билдирмаганман. Эл олқиши бизнинг энг катта бойлигимиз бўлиб қолди. Дарвоқе, кўрсатиш эсимдан чиқай депти. — Шундай деб момо катта жомадонни очдилар. Унда нафақат республикамиз, балки дунёнинг турли бурчакларидан келган икки ярим мингтага яқин миннатдорчилик мактублари ва турли хил газета-журналларда Алланиёз оға ҳақида ёзилган очерк-мақолалар мавжуд эди. Уларнинг орасида машҳур артистлар Алла Пугачёва ва Муслим Магомаевларнинг мактублари ҳам борлиги буюк қалб эгасига билдирилган юксак ҳурматдан далолат бериб турарди.

Алланиёз оға келгач, суҳбатимиз қизиди.

**— Аввалambor, сизни ҳукуматимизнинг юксак унвони билан самимий табриклаймиз,** — дедик у кишига.

— Раҳмат. Юртбошимиз мукофотни топшириб, қучоқлаб бағрига босганларида, кўзларимдан беихтиёр ёш чиқиб кетди. Оддий меҳнатимни шунчалик қадрлаганларидан беҳад қувондим. Бу нафақат мен, балки бутун қорақалпоқ халқига берилган мукофот деб биламан. Чунки ҳукуматимиз экологияси оғир шароитда яшаётган қорақалпоқ халқига беқиёс ёрдам кўрсатмоқда. Халқимиз эса давлатимиз раҳбарлари билдирган юксак ишончни оқлаш учун фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилаяпти.

**— Алланиёз оға, ҳар қандай ишни бошлаш учун унга туртки бўладиган омиллар зарур. Сизда юртдошларингизни оғирини енгил қилишга интилиш қандай пайдо бўлган?**

— Мен отамнинг ёлғиз фарзандиман. Отам иккинчи жаҳон урушида ярадор бўлиб, ўлимидан олдин хат ёзиб, сафдош дўстига: "Тирик қолсанг, уйимга бориб, шу хатни албатта, ўғлимга бергин", — деб тайинлаган эканлар. 1946 йили отамнинг ўша фронтдош дўсти уйимизга келиб, хатни менга берди. Отамнинг вафот этганини ўшанда билдик. Хатда отам: "Ўғлим, сендан бошқа чироғимни ёқадиган ҳеч кимим йўқ. Энди вояга етиб қолдинг. Қўлингдан келганча одамларга яхшилик қил. Шуни ҳеч қачон унутмаки, сен нима иш қилмагин, менинг исмим қўшиб айтилади. Шунинг учун ҳаётда фақат яхши ном қолдиришингни истайман", — деб ёзган эканлар.

Отамнинг насиҳатларини қалбимга муҳрладим. Орзуим институтда ўқиш эди. Урушдан кейинги оғир дамлар, оиламизнинг иқтисодий ночорлиги панд берарди. Бир неча йил одамларнинг молини боқдим. Лекин шунда ҳам китобни қўлимдан қўймадим. Ниҳоят, 1957 йилда Нукус Давлат Педагогика институтининг чет тиллар факультетига ўқишга кириб, инглиз тили ўқитувчиси мутахассислиги бўйича битирдим. Талабалик давримда, пахта мавсумида кунига 450-500 кг пахта, бир тоннадан зиёд кўсак териб "комбайн" деган лақаб ҳам олганман. Мактабда ишлаб юрган пайтларим ҳамкасбларим куч-ғайратимни синаб кўриш мақсадида баҳс бойлашишди. Мен бир кунда ўн минг дона ғишт қуйдим. Ҳамкасбларим бу ғиштларни ўн кунда ҳам йиғиб олишолмади. Шунда мен отамнинг насиҳатларини бажарадиган вақт келганини юракдан ҳис қилдим ва бунга қизғин киришдим. Натижасини эса ўзингиз кўриб турибсиз...

**— Алланиёз оға, боя уйингизга кираверишда катта бочкада тузланган карам тургани, одамлар ундан керагича олаётганини кўрдик...**

— Фикрингизга тушундим. Сотиш ниятим бўлса, уни кўчага чиқариб қўймасдим. 1999 йили ширкат хўжалигимиздан 15 гектар ер олиб, "Саховат" деҳқон-фермер хўжалигини туздим. Оилам билан шу ерда ишлаймиз. Давлатдан тўрт миллион сўм қарз олиб, зарур техникаларни сотиб олдик. Олинган даромадни мактаб, боғча, ёлғиз қариялар ва кам таъминланган оилаларга овул-фуқаролар йиғини рўйхати асосида бўлиб берамиз. Кўриб турганингиздек, қўшниларимиз ҳам бу саховатдан бебаҳра қолишмаяпти.

**— Орамизда ҳар хил одамлар борлиги боис, сизга нисбатан турли фикрлар билдирилиши табиий. Бунга қандай қарайсиз?**

— Ҳақиқатан ҳам ўзи бировга яхшилик қилолмайдиган, яхшилик қилганни кўролмайдиганларнинг орқаваротдан "фойдасини билмайдиган эси йўқ одам экан", деганини кўп эшитганман. Лекин улар бу билан ўзларининг ким эканликларини аён қилганликларини билишмайди. Баъзида шуларнинг борига ҳам қувонаман. Кимнинг иши тўғри-ю, кимники нотўғри эканлигини олий ҳакам — вақт, ҳаёт кўрсатмоқда. Муҳими, умрим беҳуда ўтгани йўқ. Элнинг дуосини, ғариб-бечораларнинг олқишини олиш ҳам буюк бахт.

**— Милициянинг бугунги кундаги фаолияти ҳақида фикрларингиз?**

— Бу машаққатли касб эгаларига ҳурматим баланд. Чунки уларнинг туну кун қилаётган тинимсиз хизматлари эвазига осойишталигимиз таъминланиб, юртимизда тинч меҳнат жараёни давом этмоқда. Террорчилик, диний экстремизм ва гиёҳвандлик каби офатлар бошимиз узра чарх урганда милиция мустаҳкам қалқон бўлди. Бир сўз билан айтганда, улар халқнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланган. Қорақалпоғистон республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-майори Ж. П. Шилмановнинг хонадонимга ташриф буюриб, қувончимга шерик бўлиши, Маърифат дарсларига таклиф қилиши ҳам милициянинг ҳамиша халқ билан ҳамнафас ва ҳамдард эканлигига ёрқин мисолдир.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Д. ХУДОЙШУКУРОВ**
**суҳбатлашди.**

Бу — қизиқ

# ҒОРДА... НИКОҲ ТЎЙИ

**Ғор деганда одатда кўз олдимизга қоронғу, ҳувиллаб ётган ер ости қасрлари ёки кинофильмларда тасвирланган, қароқчилар тунайдиган макон келади. Аммо бу жойларнинг ўзига хос табиатидан инсон ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринаётганидан кўпчилик бехабар бўлиши мумкин.**

Ғорларнинг диққатга сазовор жойи — уларнинг бой безаклари, гоҳи қордек оқ нозик жимжималари, гоҳи ўрмондек қоматдор баланд устунлари, гоҳи юқоридан осилиб турган шамлар, пардалар, қандиллар шаклидаги сумалакларидир. Бундай гўзалликни кўришга интилган саёҳатчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу сабабли ҳозирда ер ости қасрларидан сайёҳликда фойдаланишга катта эътибор берилаяпти.



Айни пайтда биргина Европада 362 та ғор сайёҳларга хизмат қилмоқда. Уларда қулайлик яратиш учун йўлакчалар қилинган, электрлаштирилган, лифтлар қўйилган. Англиядаги Лечвейг ғорида ер ости темир йўли бор. Италиядаги. Кастеллана ғорида лифт ишлаб турибди. Ер остидаги кўл ва дарёлар бўйлаб Ливандаги Жейта ва Капри оролидаги Ҳаворанг ғорда қайиқда сузиш мумкин.

Ер куррасидаги ана шундай "маскан"ларни йилига 17 миллиондан ортиқ сайёҳ томоша қилади.

Югославиядаги машҳур Постойка ғорининг ўн минг кишилик концерт залида мунтазам концерт берилади. Мазкур ғорда ҳар йили 1 апрелдан 30 октябргача сайёрамиздаги ягона ер ости почтаси ишлайди.

Италиядаги ғорлардан бирида рақс тушиладиган махсус зал бор. Венгриядаги Аттелск ғорида 100 кишига мўлжалланган ер ости театри ташкил этилган. Альп тоғидаги бир ғор ичида 139 метр чуқурликда никоҳ тўйи ўтказилган. Австрия ва Франциянинг баъзи ғорларида янги йил кечалари бўлиб ўтмоқда.

Ҳозирги вақтда ҳам ғорларда жойлашган шаҳарлар мавжуд бўлиб, булар ичида энг машҳури Гуадиска (Испания) яқинидаги лўлилар шаҳридир. Бу ерда ўн минг киши яшайди. Ғордаги қоялар ўйилиб, ер ости дўконлари, ошхона, мактаб, ибодатхоналар барпо этилган.

Ғорнинг иқлими ер юзасидаги иқлимга ўхшамайди, бактериялар кам бўлади. Ундаги ҳаво ҳароратининг ўзгармаслиги, зилол сувлар, сокинлик кишига бардамлик бахш этади, фаолиятини оширади. Шу боис спелеотерапия, яъни ер ости қасрларидан шифохона сифатида фойдаланиш кейинги пайтда кенг авж олмоқда. Масалан, Германиядаги Клутерт ғоридан бронхиал астма касаллигини даволашда фойдаланилса, Венгриянинг Лишкальц шаҳри яқинида жойлашган Ғовас ғоридаги ҳарорати 28-30 даражали кўл суви юрак ва нафас йўллари касалликларидан фориғ бўлишда асқотмоқда. Италиядаги Аквазанта ғори бод, нафас қисиши, гипертония каби хасталиклар билан курашишда қўл келаяпти. Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий Ҳисор тоғларидаги Хўжаипок ғоридан шифобахш олтингугурт водороди сув чиқмоқда.

Ғорларга оид бошқа манбаларда ер ости қасрларидан сабзавот, мева ва пишлоқлар сақланадиган совуқхона сифатида фойдаланилаётгани, шунингдек ғорлардаги ажойиботлар — нафис ҳосилалар, ғор марваридлари, олтинлари ва мўмиёлари ҳақида ҳикоя қилинган. Биз эътиборингизга энг қизиқ туюлган маълумотларнигина ҳавола этдик.

**С. ШОДИЕВ тайёрлади.**

Билиб қўйган яхши

# ЧОЙ ТАРИХИДАН

**Хитой аҳоли сони бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Бу мамлакат шойи, чинни идишлар, шунингдек, чойнинг ватани ҳам ҳисобланади.**

Чой эрамизнинг тўртинчи асрида Хитойда доривор ўсимлик сифатида пайдо бўлган. Орадан икки юз йил ўтгач, ундан ичимлик тайёрлашни ўрганишди. Яна минг йилдан кейин у Европага ҳам ўтди.

Чой 1517 йилда Португалияга, 1610 йилда Голландияга, 1638 йилда Россияга келтирилган.

Англияда чойхўрлик тарихи 1664 йили Ост-Индия компанияси савдогарлари Карл II га икки қадоқ чой тақдим этганларидан кейин бошланган.

Чой етиштириш сирини дастлаб фақат хитойликлар билганлар. Тўққизинчи асрда эса уни японлар ўрганган. 1824 йилда Ява оролида голландияликлар чой етиштира бошлашган. Чой ўсимлиги 1834 йилдан Ҳиндистонда, 1842 йилдан эса Цейлонда ўстирила бошланган.

Хитойда асосан кўк чой, Ҳиндистон, Шри-Ланка (собиқ Цейлон) ва Индонезияда эса қора чой етиштирилади.

Олимлар томонидан қора чойда 12-16 фоиз, кўк чойда 25 фоизгача танин моддаси борлиги аниқланган.

Чойдан қадим замонларда тиш оғриғи, кўз касалликлари, шамоллаш, қуйган жойни даволаш ва бошқа бир қанча касалликларни даволашда фойдаланишган. Япон олимларининг фикрича, чой нурланиш ва саратон касалликларига ҳам даво бўлар экан.

*Анвар ҒУЛОМОВ*
*тайёрлади.*



**ЭНИГА:** 1. Ташвишсиз, осойишта, тинч. 3. “Чекимлик ранг”. 6. Кун оққан палла. 8. Олим ва фозил кишиларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб ишлатиладиган сўз. 11. ... сўзидан қайтмас, арслон изидан (мақолдан). 12. Жоду. 13. Қаттиқ титраш, силкиниш. 16. Сунъий юлдузлар ёғдуси. 18. Ачинарли ҳол. 20. Ҳаракат йўли, траектория. 24. Уй-рўзғор буюми. 25. Россиядаги шаҳар. 26. Белгиланганидан ортиқ ҳақ-ҳуқуқ, шароит. 27. Тўқилган идиш. 28. Қўшилиш натижаси. 30. Чайқовчи. 33. Шабада. 34. Вақтинча қурилган уйча, капа. 35. Димоғдор, кеккайган. 37. Юпқа темир. 39. Мамлакатга киришга рухсатнома. 40. Қуршов. 43. Она, ойи. 44. Жанубга қарама-қарши томонда яшовчи. 46. Ғазаб. 48. Пуфайган. 49. Асос. 51. Очсариқ ранг. 52. Оҳанг, мусиқа. 53. Водород билан бирикиб сув ҳосил қиладиган кимёвий модда. 57. Тасдиқ. 60. Овсар. 62. Бой бойга боқар, сув ...га оқар (мақолдан). 63. Шак-шубҳасиз, тўғри. 64. Зарафшон, Волга... 65. Суқланиб қараш таъсирида “кирадиган” касаллик. 66. Буғдой, картошка, қандлавлагини “ҳайдаш”дан ҳосил бўладиган суюқлик. 67. Кўп. 70. Зумраднинг отасининг касби. 72. Савлат, маҳобат. 74. Диний ақидаларга ишончсизлик билан қарайдиган одам. 76. Қачонгача. 78. “Жипслашган” шакар. 80. Ўхшаш, мос. 81. Масҳаб. 82. Сургун қилинган. 85. Чиройли, зебо. 86. Хизматкор аёл, оқсоч. 87. Ички ҳис-туйғу, кечинма. 88. Амалга ошмоқ, ушалмоқ. 89. Кабоб пиширувчи.

**БЎЙИГА:** 1. Ёмон ниятли, ғаламис. 2. Зил..? 3. Подшоҳнинг аскари. 4. “Баланд” хонтахта. 5. Соқов. 6. Танқид қилинганда “қоқиладиган” нарса. 7. Нимага? 9. Қўлини сувга урмайдиган аёл. 10. Зодагон. 14. Хамиртуруш. 15. Мўътабар. 17. Таажжуб, ғалати. 18. “Катта” студент. 19. Жанубида, Вальвидия шаҳри ёнида энг қадимий тропик ўрмон сақланиб қолган давлат. 21. Нон ёпувчи. 22. Шикаст. 23. Ов. 27. Кутилмаган оғриқ. 29. Ойга учган Америка астронавти. 31. Майна тури. 32. Гапириш “воситаси”. 33. Совуши қийин таом. 35. Нуқсон, айб. 36. Безатилган, гул солинган. 37. Маза, тот. 38. Саломга жавоб. 41. Ён-атрофга оид. 42. Бирор нарсани илтимос қилаверадиган одам. 45. Ой. 46. Майда чумоли. 47. Бир ишнинг бошидан тутган. 50. Низо, хусумат. 54. Доривор ўсимлик. 55. Таом. 56. “Аниқ, кўриниб турган” қизлар исми. 58. Ягона. 59. Кемтик. 61. Ҳеч нарсадан қайтмайдиган. 65. Банкрот. 68. Мусиқий ёзув. 69. Паст навли чарм. 71. Чойхонадаги “тадбир”. 73. Бироқ. 75. Ҳеч кимнинг ёрдамисиз. 76. Ажабланарли, ғалати. 77. Кемирувчи зараркунанда. 78. Афсонавий қуш. 79. Шамсия йил ҳисобида янги йил. 83. Қишлоқда деҳқон, шаҳарда эса .... 84. Тамом.

**Б. АЗИМОВ тузган.**

## ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН СУПЕРКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**Энига:** 1. Иссиқлик. 3. Суиқасд. 6. Зиғир. 8. Нонушта. 11. Дарча. 12. Кўлам. 13. Алвон. 16. “Бобби”. 18. Каби. 20. Зурриёт. 24. Қиём. 25. Ален. 26. Исмдош. 28. Тўзим. 29. Базилио. 31. Занжирсиз. 33. Эга. 34. Айрон. 35. Пушаймон. 37. Ярамас. 39. Ақча. 40. Оҳанг. 43. Алла. 44. Пенелопа. 46. Кетч. 47. Неук. 48. Ероол. 50. Чизма. 51. То. 52. Шавкатли. 56. Айнан. 59. Нозик. 61. Нон. 62. Азот. 63. Гадо. 64. Авизо. 65. Ўткир. 66. Ичак. 69. Меҳнат. 71. Умуртқа. 73. Говмиш. 75. Томат. 77. Така. 79. Амал. 80. Ада. 81. Нафақа. 84. Кинескоп. 85. Дору. 86. Итака. 87. Нафс. 88. Наркотик.

**Бўйига:** 1. Иффатсиз. 2. Канада. 3. Санаев. 4. Иншо. 5. Диор. 6. Зўраки. 7. Рақам. 9. Адабиётчи. 10. “Гулхан”. 14. Лағмон. 15. Нақш. 17. Беадаб. 18. Келинчак. 19. Ижро. 21. Рўзғор. 22. Исм. 23. Тизза. 27. Ожиза. 28. Турако. 30. Игна. 32. Сўм. 33. Энага. 35. Падаркуш. 36. Нимпушти. 37. Яшин. 38. Саха. 41. Артезиан. 42. Полонез. 45. Ереван. 46. Кўчманчи. 47. Найнов. 49. Ласкер. 53. Вазн. 54. Антре. 55. Лаган. 57. Назар. 58. Одат. 60. Октав. 64. Акула. 67. Чора. 68. Оқила. 70. Антверпен. 72. Узала. 74. Шербилак. 75. Траверс. 76. Маникюр. 77. Тонаки. 78. Кифара. 82. Қуда. 83. Якун.

## ЎТГАН СОНДА ЧОП ЭТИЛГАН СУПЕРКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**Энига:** Хуллас. Жадвал. Автойўл. Водил. Аждар. Нонтахта. Увол. Какао. Муз. Стенограмма. Зира. Амр. Ба.... Ўқ. Станок. Иблис. Боғлам. Тоғлик. Адо. Шо. Экран. Ўзиш. Мунозарали. Стул. Ман. Фиғон. Бедана. Авто. Оёқ. Машқ. Дилозор. Омонат. Қин. Момиқ. Сана. Амал. Арра. Счёт. Ор. Имло. Олча. Овул. Из.

**Бўйига:** Аскар. Де. Ассалом. Дўл. Ука. Асбоб. Ноз. Баёнот. Кошона. Ғоз. Ирқ. Азиз. Устун. Насл. Аза. Изм. Таом. Аср. Вазн. Асло. Лайча. Грим. Афт. Ўлчов. Хор. Эл. Салат. Аллаким. Қоратол. Жазм. Жаҳд. Мустасно. Ижрочи. Амма. Онт. Ёноқ. Араз. Давр. Буғ. Уфқ. Узза. Лўли. Мос. Алдов. Тиз. Ана. Обрў. Кило. Шан. Блул. Ақл. Нуқта.




Қурама

## ТИЛЛА ЗАНЖИРНИ... ЮТИБ ЮБОРДИ

**Қизиқ. Ибодатнинг тилла занжири Шарифнинг ошқозонига қандай тушиб қолди экан?**

Уч марта судланган, сўнгги бор амнистия туфайли жазони ижро этиш муассасасидан эрта озод қилинган Шариф Жўраев ўзи сингари панжара ортида уч марта бўлиб қайтган Қаҳрамон Муратов билан автобусдаги йўловчиларни олазарак кузатишарди. Бир пайт уларнинг кўзи қимматбаҳо тилла занжир таққан қизга тушди. Бир-бирларига сирли нигоҳ ташлаб, аста унинг ёнига бордилар.

Кутилмаганда бўйнидаги 200.000 сўмлик тилла тақинчоғи ғойиб бўлганини сезган Ибодат саросимага тушиб, уни излай бошлади. Кўзи навбатдаги бекатда тушишга шайланиб турган Қаҳрамонга тушди-ю:

– Занжиримни сен олдинг! Топиб бер! – дея талаб қила бошлади.

Тасодифни қарангки, айнан шу автобусда Файзулла Хўжаев тумани ИИБ терговчиси Ш. Камолов ҳам кетаётган экан.

Ш. Камолов “ҳеч нарсани билмайман, менга туҳмат қилма”, дея қилмишидан тониб турган Қаҳрамонни маҳкам ушлади. Буни кўрган Шариф чўнтагидаги занжирни ғижимлаб, оғзига солди-ю... ютиб юборди.

Терговчи ва даъвогар кўриниши туппа-тузук бўлган икки йигитни ички ишлар бўлимига олиб келишди. Улар қилмишларига чин дилдан пушаймон эканликларини айтишди. Лекин энди кеч эди...

**М. АДИЗОВА.**
*Бухоро вилояти.*

## “ИШҚИБОЗЛИК” БУНДАЙ БЎПТИ-ДА!

Киевда чиқадиган “Сегодня” газетасида ёзилишича, қанд заводи ҳудудидаги мой солинган улкан идиш тепасига номаълум шахс чиқиб олиб, қўлидаги таёқни ўйнатганича, милиция ва журналистлар келишини талаб қилган.

Безори идишга ўзини ташлаб юбориши ёки унга ўт қўйиб юборишидан хавфсираган ҳуқуқ-тартибот ходимлари воқеа жойига дарҳол етиб боришган. Шунда кимса ўзига егулик беришлари ва уйига олиб бориб қўйишларини талаб қила бошлаган. Милиционерлар таёқни чаққон ўйнатиб, ўзини ҳимоя қилишга уринаётган шахсни идиш устидан тушириб олиш учун икки соат уринганлар.

Ниҳоят бунга эришгач, фуқаронинг шахси аниқланди: у 33 ёшли С. Игорь экан. Игорь Киевда футбол ўйинини томоша қилиб қайтаётиб, йўлда поезддан тушиб қолгани маълум бўлди.

“Динамо” жамоаси ўйинда ютқизганидан жазавага тушган “ишқибоз” идиш тепасига қандай чиққанини эслай олмади...

**Хориж матбуотидан олинди.**

O`n ikkita farqni toping



Ҳуқуқий давлат сари

# АРИЗАЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ

Чилонзор тумани ички ишлар бошқармасига кираверишда бир ёш жувонни учратдик.

— Бошлиққа ариза олиб келгандим, — деди у ийманиб. — Кейинги пайтда хўжайиним ичадиган бўлиб қолди. У кишини инсофга чақириб қўйишсин, дегандим.

— Қайнота-қайнонангиз, эрингизнинг яқинлари, маҳалла оқсоқоли ёки профилактика инспекторига мурожаат қилмадингизми? — сўраймиз ундан.

Жувон бу ҳақда ҳеч ким билан маслаҳатлашмагани маълум бўлди. Эрига бир-икки "ичманг" деб танбеҳ бериб кўрган, фойдаси бўлмагач, ариза ёзган-у бошлиқ ҳузурига йўл олган.

Шу суҳбат баҳона туман ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Нархан Кулимбетовдан фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари бир нечта турга бўлинади, — деди Н. Кулимбетов. — Улар билан ишлашнинг ўзига хос машаққати, масъулияти бор. Ҳозирда турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар — оилавий низо, қўшниларнинг ўзаро келишмовчилиги ва бошқа ҳолатлар имкони борича маҳалла қўмиталари қошидаги яраштирув комиссияларида кўриб чиқилаяпти. Бу эса қадриятлар ва маънавиятимизга мосдир. Масалан, ёш болалар жанжаллашиб қолишди, дейлик. Улар бир оздан кейин ярашиб, яна бирга ўйнаб кетаверади. Аммо болалар орасига тушган катталар эса муштлашиб, судлашувгача борган ҳолатлар кузатилган. Ёки эрининг устидан арз қилган аёл у билан ажрашишни мақсад қилмайди. Шундай экан, ариза ёзишдан олдин унинг кўнглига йўл топиш, ота-онаси, маҳалла катталари билан маслаҳатлашиб, тартибга чақириш йўлларини излаш мақсадга мувофиқдир. Шундан кейингина профилактика инспекторига мурожаат қилиши лозим.

Аризачи билан профилактик суҳбатлар ижобий натижалар бераяпти. Масалан, милиция капитани Т. Қўчқоров профилактика инспектори бўлган 19-мавзеда жорий йилнинг ўтган вақти давомида оилавий низо бўйича учта, қўшнилар орасидаги келишмовчиликлар юзасидан битта ариза маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар кенгаши фаоллари иштирокида кўриб чиқилди. Аризачи Ю. М. эри ишламаслиги, топганини ичиши, уч фарзанди, оиласи билан умуман иши йўқлиги ҳақида ёзиб, у билан ажрашмоқчи эканлигини маълум қилган эди. Ушбу ариза профилактика инспектори ва фаоллар иштирокида кўриб чиқилгач, аёлнинг эри ишга жойлаштирилди. Маҳалладаги оқ-қорани таниган кишилар ўз ишининг устаси бўлган чилангар йигитни оталиққа олдилар. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай аёл профилактика инспекторига миннатдорчилик билдирди.

Ёки шу мавзеда яшовчи фуқаронинг қўшниси устидан ёзган шикоятини олиб кўрайлик. Қўшниси уйи олдига қонунсиз гараж қураётганидан жаҳли чиққан И. Ф. у ҳақда талайгина "далил"ларни ошкор қилган. Аризачи билан ўтказилган профилактик суҳбатда ёзганларининг асосий қисми уйдирма эканлигини тан олди. Икки қўшни орасига нифоқ солиши мумкин бўлган ариза вақтида, тўғри кўриб чиқилгани ўз самарасини берди. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Профилактика хизматига меҳнати сингган инсоннинг мулоҳазаларини тинглар эканмиз, эл-юрт осойишталиги йўлида амалга оширадиган ишлари қанчалик масъулиятли эканлигини чуқур ҳис қилдик. Орамизда ана шундай эзгу ниятли посбонлар бор экан, юртимизда тинчлик ҳукм суриб, юртдошларимиз тотув, меҳр-оқибатли бўлаверадилар.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

# ХОТИРЖАМЛИК МЕЗОНИ

**Ўзим ўттиз тўрт йил педагоглик қилганман. Болаларнинг тарбиясида нималарга эътибор бериш зарурлигини тажрибамдан яхши биламан. Маҳалла фаоллари менга ишонч билдириб, учта кўп қаватли уйларга бошчилик қилишни топширишган. Бу уйларда яшайдиганларнинг ҳаммаси менга таниш. Кейинги пайтда хонадонларда оилавий жанжаллар, келишмовчиликлар деярли учрамаяпти. Кексаларнинг ёшларга насиҳати, ёшларнинг бир-бирларини тушуниб яшашлари ҳар қандай номаъқулчиликларнинг олдини олади.**

Маҳаллада, уйлар атрофида бегона кишилар пайдо бўлса, дарров суриштирамиз, профилактика инспекторига хабар берамиз. Яқинда икки йигит пайдо бўлиб қолди. Хонадонларни тақиллатиб, майда-чуйда атторлик буюмларини сотиб олишни таклиф этаётган эканлар, қўшнилар менга қўнғироқ қилишди. Ўз навбатида профилактика инспекторига бу ҳақда маълум қилдим. Йигитларни суриштириб кўришса, сотадиган тузукроқ нарсанинг ўзи йўқ экан. Ҳамжиҳатликнинг бу кўриниши огоҳлик нақадар зарур эканлигига мисол бўла олади.

Биз, маҳалла фаоллари профилактика инспекторларига, умуман ички ишлар идоралари ходимларига тинчлик, осойишталикни сақлаш, жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ёрдам беришимиз керак. Улар билан ҳамжиҳатликда ишлаш, хотиржам яшашимизга кафолат бўлади.

**Р. ЗОКИРОВА.**
*Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон номли маҳалла.*

**Суратда:** Р. Зокирова профилактика инспектори, милиция старшинаси Р. Қодиров ва маҳалла посбонлари сардори Т. Шоолимов билан.

**Ш. ЗУФАРОВ олган сурат.**



# ИҚТИДОРИНГ НАМОЁН ҚИЛ

**Ойбек домлага тез-тез турли касб эгалари ўзларининг шеърий машқларини кўрсатиб туришар экан. Домла уларнинг кўнглини чўктирмай, "Яхши, ёмон эмас. Ёзаверинг" дерканлар. Шогирдларидан бирови ҳаваскор шоир кетгач "Устоз, ахир, унинг машқлари жуда бўш, ночор-ку. Истеъдоди йўқлиги кўриниб турибди" деса, мийиғларида кулиб: "Қўяверинг, бўш вақтини ичиб, безорилик, ғийбат қилиб ўтказганидан кўра китоб мутолаа қилса, шеър ёзса яхши-ку. Бир кун келиб у ўзидан шоир чиқмаслигини англаб етади. Аммо кўнглида адабиётга, санъатга, гўзалликка ошнолик бир умрга сақланиб қолади" дер эканлар.**



Ҳақиқатан, санъатнинг вазифаси ҳам инсонни гўзаллик оламига олиб кириш, унинг маънавий дунёсини бойитиш эмасми? Буни ички хизмат полковниги Ш. Идиев раҳбарлик қилаётган жазони ижро этиш муассасаси ходимлари яхши англашади. Бу ерда тез-тез маҳкумлар учун концертлар, саҳна томошалари намойиш этилади. Муассасанинг ўзида ҳам бадиий ҳаваскорлик гуруҳи фаолият кўрсатади.

— Аввалига бу ишни йўлга қўйиш бир оз қийин кечди, — дейди бошлиқнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, ички хизмат капитани Ғайбулло Хайриев. — Бирови тортинади, бошқаси ҳафсала қилмайди дегандай. Йўқ, аста-секин биридан бири кўриб қизиқиб кетишди. Ҳозир бадиий ҳаваскорлар ўз дастурини кўрсатмоқчи бўлса, бунга улгурмай қолади. Томошабинлар орасидан гоҳ униси, гоҳ буниси навбат сўраб саҳнага чиқади. Бирови шеър ўқиб беради, бошқаси қўлига тор олиб ашула айтади. Учинчиси фокус кўрсатади. Ҳар ким ўзлигини намоён этгиси келади.

Ҳа, кишига лаёқати бор соҳада ўзлигини, қобилиятини юзага чиқаришига шароит яратишда гап кўп. Шунда у ичкиликбозликка, гиёҳвандликка берилмаса, жиноят йўлига кирмаса керак. Эҳтимол, бу муассасада жазо ўтаётганларнинг анча-мунчаси озодликда юрган пайти, бунга имкон топмагандир, қунт-ҳафсала қилмагандир. Оқибатда...

Муассасада маҳкумларни иш билан таъминлаш, меҳнат воситасида тарбиялаш борасида ҳам диққатга молик кўп ишлар қилиняпти.

**Б. ТОШЕВ.**

**Суратларда:** бадиий ҳаваскорлар гуруҳининг чиқишлари; волейбол мусобақасидан лавҳа.



# ТАЛАБАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

**Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ва одамлар ташвишини енгиллатишда милиция таянч пунктларининг роли беқиёсдир. Шу боис ҳозирда уларни қуриш, мавжудларини таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ҳақда Беруний тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Жамолиддин Раҳимов қуйидагиларни маълум қилди.**

— Туманнинг географик жиҳати ва аҳоли жойлашишини ҳисобга олиб, 18 та милиция таянч пункти қуришни режалаштириб, ишларни бошлаб юборгандик. Шулардан саккизтаси фойдаланишга шай. Ўнтасида эса таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Таянч пунктларида фаолият юритувчи профилактика инспекторлари ва бошқа ички ишлар ходимларининг аҳоли, ёшлар билан ҳамкорлиги ортмоқда ва уларнинг бу масканларга ташрифлари кўпаймоқда. Масалан, 10-касб-ҳунар коллежига яқин жойлашган 8-милиция таянч пункти доимо ёшлар билан гавжум.



— Талабаларимиз бу ерга тез-тез келиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда, — дейди коллеж директори Аллаёр Қаландаров. — Улар спорт билан шуғулланишади. Шунингдек, Маърифат хонасида республика ИИВ нашрларида ёритилган мақолалар юзасидан баҳс-мунозаралар юритиб, ҳуқуқий билимларини бойитмоқдалар. Маҳаллаларда яраштириш комиссиялари фаолияти ҳамжиҳатликда олиб борилаётганлиги, профилактика инспекторларининг ёшлар билан ишлашни яхши йўлга қўйилгани эса ўз самарасини бермоқда. Жиноятлар уч фоизга камайганлиги ҳамкорлик натижасидир.

**Суратларда:** катта профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Илҳом Ибрагимов ва профилактика инспектори, милиция лейтенанти Раҳмон Машариповлар Маърифат хонасида ёшлар билан.

**Д. ХУДОЙШУКУРОВ.**
**Муаллиф олган сурат.**

**Қилмиш — қидирмиш**

**Қишнинг ўрталари бўлишига қарамай баҳор ҳавоси уфуриб турарди. "Қатортол" боғдорчилик хўжалиги бригада бошлиғи ғанимат кунлардан унумли фойдаланиш мақсадида боғбонларни ишга олиб чиқди. Шу куни дарахтларнинг қуриган шохлари олиб ташланди, танаси оқланди, бошқа юмушлар бажарилди.**

**– Қирқилган шохларни бир чеккага тахланглар, халақит бермасин, – деди бригадир.**

**Унинг сўзларига итоат этган бир боғбон боғ четига йўналган эди, нимагадир туртиниб йиқилди. Шўрлик ўша жойга диққат билан разм солиб даҳшатга тушди: ердан... одам қўли чиқиб турарди. Боғбон дарҳол одамлар олдига бориб, ҳаяжонланганча ўша томонга ишора қилди.**

# ОЛМАЗОРДАН ТОПИЛГАН МУРДА

Ҳамма у кўрсатган жойга келди.

— Яқин борманглар, излар қолган бўлиши мумкин, — огоҳлантирди бригадир. — Милицияга хабар бериш керак.

Орадан кўп вақт ўтмай милиция ходимлари етиб келишди. Улар юмшаб қолган ердан ёш йигитнинг жасадини тортиб олдилар.

— Ие, бу Анвар-ку! Мен уни танийман, яқинда қамоқдан чиқиб келган, — деди боғбонлардан бири.

Суд-тиббиёт экспертизаси хулосасига кўра жабрланувчи бир неча кун аввал бўғиб ўлдирилган. Танасидаги талайгина тирналган, кўкарган жойлар у ўлимидан олдин анча қаршилик кўрсатганидан далолат бериб турарди.

... Амнистия бўйича жазони ижро этиш муассасасидан қайтган 24 ёшли Анвар уйига кириб келди. Аммо у билан омон-эсон дийдор кўришганларидан мамнун бўлган онаси ва опасининг қувончи узоққа бормади.

— Келишимни кутмаган эдингларми? Бир умр панжара ортида қолиб кетади, деб ўйлагансизлар-да! Бунақаси кетмайди, кўриб турганингиздек қаршингизда турибман, — деди Анвар яқинларига заҳрини сочиб.

— Бундай дема болам, опанг иккимиз қайтишингни кунлар, ҳатто соатлар санаб, интизорлик билан кутдик, — деди Ойиста ая фарзандини тинчлантириш учун.

— Бўлмаган гап, қамалишимга сиз сабабчисиз, — онасига тик қараб деди Анвар. — Тўғри тарбия бериш қўлингиздан келмаган.

— Нималар деяпсан, ука, — ўзини тутиб туролмади Мукаррам. — Сени кунни тунга улаб, ухламай вояга етказган онамда нима гуноҳ? Ҳаммасига ўзинг айбдорсан!

— Сен овозингни ўчирсанг бўларди, — опасини даф қилишга уринди Анвар. — Ўттизга кирдинг, аммо на оиланг, на эринг, на боланг бор. Насл-насабининг тайини йўқ бир кимса билан кун кечиряпсан...

Хуллас, Анвар қамоқхонадан қайтгач хонадоннинг тинчи бузилди: ҳар оқшом жанжал. Йигит ичиб келиб онаси ва опасини ҳақоратлар, дўқ уриб қўрқитарди. Аёллар қанча оғир бўлмасин, инсофга келиб қолар деган илинжда чидашга мажбур эдилар.

— Ҳеч қиси йўқ, — дерди Ойиста ая қизини юпатиб. — Ҳаётдан ўз ўрнини тополмай қийналаяпти. Барча тенгдошлари оилали, у эса шу ёшга кириб нима кўрди. Шу боис аламини биздан олаяпти. Эҳтимол уйлантирсак ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетар...

Кунлар ўтиб борарди. Ўғил эса тобора тажовузкор бўлиб, ҳаётда йўл қўйган хатолари, омадсизликлари аламини энг яқин кишилари — онаси ва опасидан олишга уринарди. Бора-бора даҳанаки жанглар муштлашувга айланди. Таънаю маломатлар кўпроқ Мукаррам ва унинг жазманига қаратилар эди.

— Бир саёқ билан умр кечиряпсан, — дерди Анвар опасига. — Ҳатто турар жойи йўқ. Шу ҳам эркакми, латта-ку бунинг...

Мукаррам ва Авазбек бу каби сўзларни эшитишсада, лом-мим демай, чидашарди.

Ўша оқшом Анвар уйга одатдагидек маст ҳолда кириб келди. Оила аъзолари кечки овқат устида ўтиришган эди.

— Қаранглар, ҳамма жамулжам, фақат мен йўқман. Бу хонадонга бегонаман-да, — хохолаб сунъий кулди Анвар. У гандираклаб хонтахтанинг бир четига ўтирмоқчи эди қалқиб кетиб, полга йиқилди. Тиззалаб ўрнидан туришга интилар экан, дастурхонни тортиб юборди. Таом солинган идишлар полга тушиб, чилпарчин бўлди.

— Ҳамма чиқиб кетсин уйдан! Бу ерда мен хўжайинман! — Анвар қутуриб, кутилмаганда опасининг ёқасидан олиб, ташқарига судрай бошлади. Авазбек аёлнинг ёнини олди. Натижада эркаклар ўртасида муштлашув бошланди. Она-бола уларни ажратиб қўйишга уринарди. Аммо Анвар Авазбекни итариб юбориб, аёлларни тепкилай бошлади. Шунда сабр-косаси тўлган Авазбек бор кучини тўплаб мушт туширган эди Анвар полга ағдарилди. Она-бола дарҳол унга ташланишди...

— У ўлдими? — Ойиста опа қимирламай қолган ўғлини кўриб даҳшатга тушди ва ўзини четга олди. — Ўз фарзандимнинг умрига зомин бўлдим.

Ярим тунда Авазбек ва Мукаррам жасадни аравачага ортиб, қишлоқ чеккасига олиб боришди ҳамда олмазорга кўмишди...

Анварнинг ўлимида гумон қилинган яқинлари қўлга олинди.

**Б. КЛЕЙМАН.**
*Андижон шаҳри.*

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



**Қарши шаҳар ИИБ томонидан Фазлиддин Жўрақулович СИДДИҚОВ қидирилмоқда.** У 1973 йилда туғилган. Қарши шаҳар Хуснобод кўчаси, 43-уйда яшаган. 2002 йил 4 январь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 175–180 см, озғиндан келган, буғдой ранг, сочи, кўзи қора.

**Кийимлари:** эгнида қора чарм камзул, қора шим, оқ-кўк рангли катак кўйлак, оёғида қора туфли бўлган.

**Алоҳида белгилари:** бошининг чап томонида автоҳалокатдан қолган чандиқ бор.



**Фурқат тумани ИИБ томонидан Равшан Муҳаммаджонович ИСМОИЛОВ қидирилмоқда.** У 1973 йилда туғилган. Фурқат тумани Шухай қишлоғида яшаган. 2001 йил 26 сентябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 165–170 см, юзи чўзиқроқ, сочи, кўзи, қоши қора, лаби қалин.

**Кийимлари:** эгнида кулранг костюм, енги узун оқ кўйлак, оқ майка,оқиш шим, оёғида қора пайпоқ, қора туфли бўлган.

**Алоҳида белгилари:** қорнининг ўнг томони ва ўнг оёғининг болдир қисмида чандиқ бор.



**Жиззах шаҳар ИИБ томонидан Орзиқул Султонмуродович ШОДИЕВ қидирилмоқда.** У 1970 йилда туғилган. Жиззах шаҳар Кўтарма маҳалласи Кўтарма кўчаси, 64-уйда яшаган. 2001 йил 4 октябрда уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 165–170 см, озғиндан келган, юзи чўзиқроқ, юзига ажин тушган.

**Кийимлари**: эгнида енги узун оқ-қора чизиқли кўйлак, қора шим, оёғида калиш бўлган.

**Алоҳида белгиси:** ўнг қулоғи жарроҳликдан кейин кичрайиб, буришиб қолган.

**Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИИБ ХАБАРЛАРИ

Тунда изғиб, қўрама-қўра бўйлаган ёхуд далада қаровсиз қолдирилган чорва молларини ўзиникидек ҳайдаб кетадиган кимсаларни "садқаи одам" дегинг келади. А. Ҳ., А. У. ва Ш. Б. лар айни тоғни толқон қиладиган ёшда. Аммо иш деса афтларини бужмайтиришади. Улар ярим тунда фуқаро Р. Эшонқуловнинг молхонасидан 2 бош сигирни ўғирлашди. Бировнинг моли бошқага буюрмайди, деб тўғри айтишаркан. Милиция ходимлари уч ҳамтовоқнинг сирини очгач, улар ўзларини қўй оғзидан чўп олмагандек кўрсатишга уриндилар. Бироқ ашёвий далиллар қайсар бўлади...

***

Қарши туманидаги Ҳилол қишлоғида яшовчи Мансур Б. 62 ёшда бўлса-да, гиёҳвандлик моддаларини сотиш билан шуғулланиб юрганига нима дейсиз? Тағин ўғлини шерик қилганини айтмайсизми? Ота-бола ўзаро жиноий тил бириктириб, "мижоз"-га 600 грамм марихуанани пуллаётганда вилоят ЖҚ ва ТҚКБ ходимлари қўйган тузоққа илинишди. Ота ва ўғил қилган ишидан пушаймон. Афсуски, карвон ўрнидан жилган...

***

Рангли металл ишқибозларининг антиқа қилиқларидан Деҳқонобод тумани фуқаролари ташвишда. Айрим кимсалар симёғочларга чиқиб, юқори кучланишли трансформаторга туташ электр симларни ўмаришдан қайтмаётганига нима дейсиз?

Б. Ҳ. бинойидек касб эгаси. Шунга қарамай шериги Ж. Б. билан Х. Бегимқулов номли ширкат хўжалиги ҳудудидан ўтган симёғочлардан 9800 метр алюмин симни гумдон қилганини эшитиб, ёқа ушлайсиз. Ҳамтовоқларнинг қинғирлигига милиция ходимлари нуқта қўйишди. Металлфурушлар ўзларини оппоқ кўрсатишга уриндилар. Аммо "яланғоч" симёғочлару, улардан қирқиб олинган алюмин симлар далилий ашё бўлиб тургандан кейин айбни бўйинга олишдан бошқа илож қолармиди?

***

Катта бойликка эга бўлишга интилган Ҳ. Т., Ш. А. ва Т. Э.лар Нишон туманидаги мол бозори ёнида 80 грамм героинни 1000 АҚШ долларига сотаётганда изқуварлар қўйган тузоққа илинди. Уларнинг баҳонаси "тош босмади". Шундай шахслардан яна бири – Китоб туманида яшовчи И. Х. 9 грамм марихуанани 10 минг сўмга пуллаётганда қўлга тушди. Унинг уйи тинтув қилинганда 2,4 грамм марихуана топилди.

***

В. Олег тақиллаётган эшикни очган эди, тўрт кимса уйга бостириб кирди. Бири пичоқ, бошқалари эса арматура бўлаги билан қуролланган "чақирилмаган меҳмон"лар бараварига хезланиб, ундан пул талаб қилишди.

Олегнинг уйидан 20 минг сўм пул ва турли кийим-кечакларни ўмарган ҳамтовоқлар жуфтакни ростлаб қолишди. Аммо улар милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

***

Сурхондарё вилоятида яшовчи Акбарали Жўраев "Тико" русумли автомашинасини Қарши – Самарқанд йўлида бошқариб келаётганда тезликни ошириб юбориб, рулни эплай олмай қолди. Натижада машина йўлдан чиқиб кетиб, ағдарилди. Ҳайдовчи ва бир йўловчи тан жароҳати олди. Яна икки йўловчи эса воқеа жойида вафот этди.

"Ҳайдовчи, шошилма, сени оиланг кутмоқда!" деган ибора бежиз айтилмаган. Шошма-шошарлик оғир оқибатларга олиб келишини кўп-да ўйламаймиз. Кўза синганда эса пушаймондан фойда йўқ.

**Ў. ҲАЙДАРОВ.**

# ПАЙПОҚ ИЧИДА... ГЕРОИН



Хонқа-Тўрткўл йўлининг Амударё кўпригидаги назорат маскани ходимлари — милиция катта сержанти Ибодулла Абдуллаев ҳамда милиция сержанти Ҳасан Раҳмоновлар хизмат вазифаларини ҳушёрлик билан давом эттиришарди. Тушга яқин бу ерга келиб тўхтаган автомашинани кўздан кечираётганларида бир йўловчи безовта бўла бошлади. Милиция ходимлари унинг ҳужжатларини сўрашганда кўнгли беҳузур бўлаётганини баҳона қилиб қочмоқчи бўлди. Ҳушёр посбонлар зудлик билан айёр йўловчини қўлга олишди. Ҳеч қаерда ишламайдиган тўрткўллик О. Қаҳрамон чап оёғидаги пайпоғининг ичида 46,5 грамм гиёҳвандлик моддасини олиб ўтмоқчи бўлган экан.

Орадан беш кун ўтгач, милиция катта сержанти Ибодулла Абдуллаев ҳамда милиция сержанти Ҳасан Раҳмоновлар ушбу масканда яна бир гиёҳфурушни қўлга олишди. Қаршилик К. Одамбой ҳам шимининг чўнтагида героин олиб келаётган эди. Ҳар иккала жиноятчилар қилмишларига яраша жазоландилар.

**Х. ЖАББОРОВ.**

**Суратда:** милиция катта сержанти Абдулла Абдуллаев ҳамда милиция сержанти Ҳасан Раҳмоновлар хизмат пайтида.

**Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.**

# НИЯТИГА ЕТОЛМАДИ

Шу йил 10 февраль куни соат 21.30 ларда Шайхонтоҳур тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими марказлаштирилган қўриқлаш пультига Чорсу бозори ҳудудида жойлашган "Болалар дунёси" дўконидан ташвиш хабари тушди.

Воқеа жойига зудлик билан етиб борган қўлга олиш гуруҳи ходимлари дўкон атрофида ёки ичида бирор ғайриоддий ҳодисанинг гувоҳи бўлмадилар. Шунга қарамай дўкон маъмурияти вакиллари таклиф этилиб, дўконнинг ичи кўздан кечирилганда у ердаги тартибсизликлар кўзга ташланди.

Қўриқлаш ходимлари томонидан кўрилган чоралар натижасида дўкон ичида пусиб ётган номаълум шахс қўлга олинди.

Маълум бўлишича, К. С. исмли, ҳеч қаерда ишламайдиган шахс иш вақтида дўкон ичида яшириниб қолган ва кечаси ўзининг ғаразли мақсадини амалга оширишга киришган. У қўлга олиш гуруҳи етиб келгунча ўзини дўконнинг хўжайини ҳис қилиб, 128 минг сўм пул ва бошқа турли хил қимматбаҳо буюмларга эга чиқиб улгурган экан. Фақат дўкондан ими-жимида чиқиб кетиш қолган эди. Бироқ сигнализация воситасини алдаб бўлармиди?

**И. САИДОВ.**

**Жиноятчига жазо муқаррар!**

# ЎПКОН

Куни кеча қўша-қўша тўшакка ёнбошласа бели оғрийдиган Андрей бугун бағрини эски тўшакка берганча пешонасини чангаллаб ётибди. Унинг кечагина ўт чақнаган кўзлари бугун ғойибдан нажот кутгандай маъюс боқади. У зўрбазўр гавдасини кўтардида, қаршисидаги бир ҳовуч тангага чанг солди. Уни жаҳл билан сиқимлаб палағда товуш билан бирикки савол берди:

— Сенларда вафо борми ўзи? Ахир умримнинг каймоғи, белимнинг дармонини сенларга фидо қилдим-ку! Эвазига нима кўрдим?!

Андрейнинг чангалидан "омон қолган" уч-тўрт танга тилга кирди:

— Вафо дейсанми? Сен ўзинг вафо нималигини биласанми! Тўғри келган дўстингни, ҳамшаҳрингни алдадинг. Эл-юрт бизни ҳалол меҳнат билан қўлга киритганда сен эса нопок йўлни танладинг, яна биздан қанақа вафо истайсан? Товламачиликни танлаган одамнинг қисмати охири сеникидай вой бўлишини яхши билардинг. Буни қилмиш-қидирмиш дейдилар...

Андрей тушига кирган бу ҳангомадан қаттиқ ҳаяжонга тушди. Иттифоқо, бўлиб ўтган воқеани бир бошдан ёдга олди.

Одатда кўпчилик раҳбарлар иш куни бошлангач, аввало келган хат-хабарларни кўздан кечиришади. Германиянинг "Текстима" фирмасининг Тошкентдаги ваколатхонаси директори Ҳ. Сайёра ҳам иш жойига ўтирди-ю почта жўнатмаларини қўлига олди. Дарҳол унинг диққатини фирма номи, ўзининг фамилияси ва "шахсан" деб ёзилган конверт тортди. Конверт ичидан бир жуфт оқ қоғозга компьютерда ёзилган хат чиқди. Номаълум муаллиф фирмани яхши билиши, ўзи "оталик" қилса, фирмага ҳеч ким хавф сололмаслигини ёзганди. Яъни "қалқон"ликни таклиф этганди. Фирмада сотқин бор, дейилганди хатда, агар таклифимга кўнсангиз, у йўқотилади. Бунинг учун 3000 доллар тўланиши кераклиги, ҳуқуқ-тартибот идораларига арз қилинса, фирма офиси ва директорнинг уйи ёқиб юборилиши ёзилиб, пўписа қилинганди.

Хатда фирмадан аввал икки марта компьютерлар ўғирланганин кўрсатилганди. Ҳақиқатан ҳам шундай кўнгилсизлик бўлганди. Офис деразасининг ойналари синдирилиб, ноутбуклар ва принтерларни ўғирлаб кетишганди. Лекин буюмлар суғурталангани ва зарар қопланган учун германиялик хизматчилар ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилмасликни маслаҳат беришганди.

Фирма директори бу гал хатга тикилганча хавотир ичида қолди...

... Тирикчилиги ўғрилик, муттаҳамликдан иборат бўлган ўттиз ёшли Х. Андрейнинг боши қандай қилиб бели оғримай пул топиш хаёли билан банд эди. "Текстима" фирмаси директорини шилишга уриниб кўрсамчи?" ўйлади у ва ўқувчилар дафтарига талабларини ёза бошлади. Шу пайт уникига ёшгина ҳамтовоғи Ч. Мария келиб қолди. Андрей хатни унга берди:

— Мана буни компьютерда кўчирасан. Кейин конвертга солиб, "Текстима" фирмаси почта қутисига олиб бориб ташлайсан! Тушундингми?

— Нима бу? — сўради қиз.

— Ишинг бўлмасин, айтганни қил, вассалом!

Мария топшириқни бажариб, Андрейга келиб айтди. Кечки соат 17.00 ларда Андрей фирма директорига қўнғироқ қилди:

— Хатни олдингизми?

— Олдим, — ҳаяжондан директорнинг овози титрарди.

— Пулни тўлайсизми?

— Дабдурустдан бир нима дейиш қийин. Икки кун ўйлаб кўришим керак.

Улар узоқ савдолашиб, бир тўхтамга келолмадилар. Орадан уч кун ўтиб, Андрей яна қўнғироқ қилди. Директор 2000 АҚШ доллари бера олишини билдирди. Бу пайтда товламачининг ёнида Ч. Мария ўтирарди. Андрей директорга пул олиб келиши учун қизнинг акаси турадиган манзилни айтди. Директор соат ўн яримда конвертга солинган пулни тўққиз қаватли бинонинг 7 ва 8-қаватлари зиналари ўртасидаги супага қўядиган бўлди.

Мана, соат эрталабки ўн ярим. Директор Ҳ. Сайёра белгиланган бинога кириб, лифтга чиқди ва юқорига кўтарилди. Лифт тугмачаларидаги рақамлар ўчиб кетган, шунинг учун у қайси қаватга кўтарилганини аниқ билмасди. Лифт эшиги очилганда йўлакда бир қиз кўринди. Директор ундан қайси қаватлигини сўради. Саккизинчи экан. Қиз билан бирга зинадан пастга туша бошладилар. Ҳ. Сайёра икки қават ўртасида қолди, қиз эса пастга тушиб кетди. Директор пулни шундоққина кафелли полга қўйдию, изига қайтиб лифт тугмасини босди. Шу пайт қиз кириб кетган хонадон эшиги очилиб, ярим яланғоч йигит кўринди. Ҳ. Сайёра пастга тушиб, ишига жўнади...

Эшикдан кўринган ярим яланғоч йигит Мариянинг акаси эканлигини зукко газетхон пайқагандир. Директор зинапояда учратиб қайси қаватлигини сўраган қиз эса Мария эди. Қиз кўчага чиқди. Андрей уни 7-йўлак ёнида кутиб турарди. Қиз унинг олдидан индамай ўтиб кетди. Андрей атрофга аланглади-да, ортидан эргашди. Мария йўл четидаги сотувчидан сигарет олаётганда у секин сўради:

— Пул қани?

— Олмадим, — шивирлади Мария, — қўрқдим.

— Даволанишим учун пул қанчалик зарурлигини биласан-ку!

Қиз кўнган бўлиб орқасига қайтиб, йўлакка кириб кетди ва еттинчи қаватга кўтарилди. Пул солинган конверт ҳамон зинапоя супасида ётарди. Мария уни олиб ўрнига бошқа конверт қўйди. Олган конвертини акасиникига олиб кириб очди — ҳақиқатан ичида 2000 АҚШ доллари бор эди. Қизнинг эндиги режаси ўзи йўлакка қўйган бўш конвертни Андрейга олиб бориб, пули бор-йўқлигидан хабарим йўқ дейиш эди...

Бир оздан сўнг Марияни кутиб турган Андрейнинг ёнига қандайдир одамлар чопиб келишди ва уни ушлаб, Мариянинг акасиникига олиб чиқишди. Қиз тезкор ходимларнинг талабига кўра дарҳол пулни топиб берди. Баённома тузилди.

... Воқеанинг бошига қайтсак. Фирма директори Ҳ. Сайёра таҳдидли хатни олиши билан республика ИИВга мурожаат этиб, ниҳоятда тўғри иш қилганди. Чунки Х. Андрей Тошкент гарнизони Ҳарбий суди томонидан муқаддам жазога тортилган ва амнистияга кўра озодликка чиққан эди.

ИИВ Тергов Бош бошқармаси терговчиси, милиция майори А. Собиров жиноятчининг яна бошқа қатор йирик ўғриликларини очиб ташлади. Жумладан, 2001 йил февралида у "Текстима" фирмаси офиси деразаси ойнасини синдириб ичкарига кирган. У ердан 200 минг сўмлик принтер ва жами 2 миллион 160 минг сўм турадиган ноутбукларни ўмариб кетган. Орадан бирмунча вақт ўтиб, фирмадан садо чиқмагач, ўзи қўлга тушмагач, жиноятини такрорлади. Яна офисга кириб худди ўшанча баҳодаги буюмларни ўғирлади ва арзон нархларда пуллаб юборди. Мазахўрак бўлгандан кейин энди юқорида баён этилган сурбетликка ўтган эди. Ҳа, "Текстима" унга бегона эмасди.

Х. Андрей Ч. Мария билан хонадонларда ҳам ўғрилик содир этди. Жумладан, 2001 йил 20 майга ўтар кечаси Юнусобод даҳасидаги 8-мавзе, 23-уй, 3-хонадонга дераза орқали кириб 1 милион 87 минг сўмлик чет эл аудио-видео аппаратуралари ва кийим-кечакларни ўмарди.

Ўғриларнинг дастидан 4-мавзе, 3-уй, 3-хонадонда истиқомат қилувчи М. Муҳаббат ҳам қаттиқ азият чекканди. У телевизор, мусиқа маркази, видеомагнитофон, "Самсунг" караокеси, чарм пальто, пиджак, кўйлак, фотоаппарат, адёлларидан айрилганди.

Терговчининг саъй-ҳаракатлари туфайли ўғирланган буюмларни сотиб олган шахслар ҳамда ашёвий далиллар топилди. Х. Андрей ва Ч. Марияларнинг барча қилмишлари ана шундай асосли далиллар ёрдамида исботланди.

Шундай қилиб, содир этилиши мумкин бўлган яна қанча ўғриликларга чек қўйилди.

Милиция майори Акрам Собиров фаолияти мобайнида кўплаб бундай жиноятларни фош этган. 1986 йилда ИИВ Олий милиция мактабини битиргач, дастлаб хизматни Тошкент вилояти ИИБда терговчи вазифасида бошлади. 1990 йилдан то ҳозиргача ИИВ Тергов Бош бошқармасида ишлаяпти. Унга тажрибали ходим сифатида оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилишни ишониб топширишган.

— Киши ҳеч қачон касбимни мукаммал эгалладим, деб манмансираб кетмаслиги керак. Бирор иш бўйича иккилансам, қийналсам бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция подполковники Комилжон Умматқуловдан маслаҳат, йўл-йўриқ сўрайман. Жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари билан яқин ҳамкорликда ишлайман, — дейди у.

Ҳа, доимо изланишда, ҳамкасблари билан ҳамкор бўлган ходимга муваффақият ёр бўлаверади.

**Мурод ТИЛЛАЕВ.**



## ҚИДИРИЛМОҚДА

**Қарши шаҳар ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрганлиги учун қидирилмоқда.**



**Хайрулло Арзиевич САТТОРОВ.** 1960 йилда туғилган. Қарши тумани Чимқўрғон қўрғонида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 175–180 см, орикдан келган, сочи қора, кўзи қисиқ.



**Гулчеҳра Набиевна АРЗИЕВА.** 1978 йилда туғилган. Қарши шаҳар Озод кўчаси, 6-уйда яшаган.

**Белгилари:** бўйи 160–165 см, қоши, кўзи қора, сочи узун, юзи чўзиқроқ.

**Ургут тумани ИИБ томонидан Фарҳод Ғуломович АЪЗАМОВ жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрганлиги учун қидирилмоқда.** 1954 йилда туғилган. Ургут тумани Мирзабоғлон қишлоғида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 175–180 см, ўртача гавдали, сочи, кўзи қора, қоши қалин ёйсимон, лаби қалин, бурни катта.

**Қўшкўпир тумани ИИБ томонидан Боғибек Отаевич НИЁЗМАТОВ жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрганлиги учун қидирилмоқда.** 1963 йилда туғилган. Қўшкўпир тумани Охунбобоев номли ширкат хўжалигида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 170–175 см, тўла гавдали, сочи, кўзи қора, қулоқлари катта.



**Сирдарё тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахс жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрганлиги учун қидирилмоқда.**

**Джеват Зуфарович БУРАМЕТОВ.** 1961 йилда туғилган. Сирдарё туманида яшаган.

**Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

# МУСУЛМОН ОЛАМИНИНГ ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИ

**Эртага ер юзи мусулмонлари улуғ ва энг азиз байрам – Қурбон ҳайитини нишонлайдилар. Бу айёмнинг мавқеи ва фазилатлари ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Ҳожи Абдураззоқ Юнус мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.**

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Аллоҳи таолога ҳамду санолар бўлсинким, юртимиз мустақилликка эришиб, эркинлик шамоли эса бошлагандан кейин мамлакатимизда мўмин-мусулмонлар эмин-эркин Қурбон ҳайитини нишонлаш шарафига муяссар бўлдилар. Муборак айёмнинг биринчи куни юртимизда дам олиш куни деб эълон қилинган.

Қурбон ҳайитини нишонлаш Иброҳим алайҳиссалом замонларига бориб тақалади. Шу куни қурби етган мусулмонлар қурбонлик қилиб, уни ҳожатманд кишиларга улашадилар. Камбағал, ҳожатманд кишиларга ёрдам бериш Аллоҳнинг буйруқларидан биридир.

Улуғ айём кунида барча мусулмонлар бир-бирларини муборакбод этиб, табаррук отахон-онахонларга узоқ умр, иймон, ёшларга тавфиқу рушди ҳидоят тилашади. Қалблар севинчга тўлади, ўксик кўнгилларга шодлик улашилади, етим-есир, бева-бечораларга ҳадялар берилади, беморлар ҳолидан хабар олинади. Бирор сабабга кўра аразлашган гина-кудуратли кишилар бир-бирларидан узр сўрашадилар. Чунки кечиримли ва меҳр-оқибатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Қурби етган кишилар Аллоҳнинг ризолигини истаб, берган неъматларига шукрона тарзида қурбонлик қилади. Қурбон ҳайити байрам бўлгани учун бу кунларни ўзига хос, муносиб ҳолда яхши ўтказиш лозим.

Вафот этган яқинларимизни эсга олиб ёдлаш ва руҳларига дуо-хайр қилиш жоиз, лекин бу ҳайит байрамига таъсир кўрсатмаслиги керак. Кишилар фақат ҳайит кунларидагина эмас, балки йил давомида, доимо бир-бирлари билан яхши муомалада, муносабатда бўлишлари керак. Аллоҳ таолонинг уларга берган неъматлардан хайр-эҳсон этишлари керак. Саховатпеша кишиларимиз муҳтож одамларга, мискину фақирларга ёрдам қўлларини чўзмоқликлари даркордир.

Бу ҳақда Қуръони каримда:

"Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиладиган кишилар мисоли худди ҳар бир бошоғидан юздан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўхшайди. (Қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда).

Имом Ғаззолий айтдиларки: "Дунё (юрт) ободлиги тўртта нарса сабабидан – раҳбарлар адолати, олимлар илми, бойлар саховати ва муҳтожлар дуоси".

Ислом дини кишиларни бир-бирига меҳру оқибатли бўлишга чақириш билан бирга, уларни динидан, миллатидан қатъи назар ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди.

Мамлакатимизда мусулмонларнинг диний маросимларни камоли ҳуррият билан адо этишлари, жумладан, муборак ҳаж сафарига борувчи фуқароларимиз учун катта қулайликлар яратиб берилмоқда. Айни кунларда мусулмон биродарларимиздан Аллоҳ, муяссар этганлари энг улуғ ибодатни адо этмоқдалар.

Юртимизда тинчлик, осойишталикнинг барқарор бўлишида ҳушёрлик ва сергаклик кўрсатиб хизмат қилаётган ички ишлар идоралари ходимлари ҳамда бутун мамлакатимиз фуқароларини саховат ва мурувват айёми – Қурбон ҳайити билан самимий қутлаб, тинч, тотув, осуда ҳаёт кечириб, фаровонлигимизни янада зиёда бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз.

**С. ШАМСИДДИНОВ**
**ёзиб олди.**

**Маънавий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари гуруҳлари раҳбарларига ёрдам**

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ТИКЛАНИШИ

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)**

Машғулот раҳбари Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги долзарб масалалардан бири — янги тарихий шароитда жамиятга муносиб кишиларни тарбиялаш зарурати эканлигига тўхталиши лозим. Бу ўз навбатида бир неча ўн йиллар мобайнида синфий-партиявий мафкура томонидан тақиқланган ўзбек халқининг маънавий меросини тиклаш ва унинг янада камол топиши учун кенг имкониятлар очиши керак эди.

Халқимизнинг кучи, аввало, унинг бой маънавий меросга эга эканлигидадир. Давлатимизнинг маънавий таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам. Миллий тикланиш ўз-ўзидан содир бўлмайди, бунинг учун халқ дунёқарашини миллий истиқлол руҳида ислоҳ қилиш зарур. Бу биринчи навбатда маънавиятга боғлиқ. Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросимизни тиклаш ишлари бошланди.

Бу мерос қадим замонлардан бери аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар – сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асарлари мажмуидир. Маънавий қадриятлар, бойликлар инқилобий йўл билан ҳосил қилинадиган ҳодиса эмас, балки жамият тараққиётининг барча босқичларида унинг эҳтиёжлари туфайли юзага келади ва ўша давр ҳаётини акс эттиради. Бу бойлик ҳаёт ўзгариши билан йўқолиб кетмайди, кейинги авлодлар учун маънавий мерос бўлиб қолади. Ҳар бир авлод ўз маънавиятини янгидан яратмайди, балки илгаригисини такомиллаштиради, бойитади.

Халқ тарихи миллатимизнинг маънавий кучи ва ахлоқий соғломлиги манбаидир. Уни чуқур ўрганиш мардлик, ҳалоллик ва садоқат каби фазилатларни шакллантиришнинг негизи бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек халқининг бутун жаҳонга машҳур буюк аждодларининг маданий мероси инсонийлик, сабр-қаноат, одиллик ҳисси, илм ва маърифатга интилиш асосида тузилган бўлиб, фуқароларнинг маънавий яқинлашувига хизмат қилади.

Адабиётимиз асрлар давомида меҳр-шафқат, мурувват каби ижтимоий-ахлоқий қадриятларни тарғиб қилиб келди. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Увайсий, Фурқат, Муқимий каби ижодкорларнинг асарлари бунга ёрқин мисолдир.

Гуруҳ раҳбари буюк аждодларимизнинг маънавий мероси ҳақида сўз юритар экан, фаннинг ривожланишига ҳам тўхталиши керак. IX–XI асрлардаёқ Марказий Осиё Шарқнинг илм-фан марказларидан бири бўлиб қолди. Марв, Бухоро, Урганч, Самарқандда расадхоналар, кутубхоналар очилди. Муҳаммад ал Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Абу Али ибн Сино, Насриддин Тусий, Мирзо Улуғбекларнинг илмий изланишлари ҳали-ҳануз ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Гуруҳ раҳбари авлоддан авлодга ўтиб келаётган урф-одатлар, анъаналар тарбиянинг маънавий асоси бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди. Шу боис мустақиллик йилларида халқнинг азалий қадриятларини тиклаш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Севимли байрамимиз ҳисобланмиш Наврўзнинг ҳар йили тантана билан нишонланиши мамлакат тарихида катта воқеа бўлди.

Диний байрамлар – Ҳайит кунларининг республикада умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ҳам маънавий покланишнинг муҳим кўринишидир. Агар биз босиб ўтилган йўлимизга бир назар ташлайдиган бўлсак, истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланишига алоҳида эътибор қаратилганига гувоҳ бўламиз.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлар Бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими.**

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар Кенгаши Чортоқ тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Муҳиддин Нуриддиновга, Учқўрғон тумани ИИБ бошлиғининг собиқ ўринбосари, истеъфодаги милиция подполковниги Қутбиддин Нуриддиновларга падари бузруквори, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция подполковниги

**Бахритдин ота НУРИТДИНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бўка тумани ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори, милиция майори А. Бархўжаевга ва Бўка тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, милиция старшинаси А. Бархўжаевга синглиси

**Камола БАРХЎЖАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Юқоричирчиқ тумани ИИБ автотранспорт воситалари техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидалари ва меъёрига амал қилишни назорат этиш бўлинмасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик материалларини кўриб чиқиш бўйича инспектори, милиция капитани

**Насретдин ҚОДИРОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия изҳор қиладилар.

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция подполковниги

**Турлибой СОҒИНДИҚОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдирадилар.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Миробод тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Қобуловга онаси

**Асолат ҚОБУЛОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлинма сардори, милиция подполковниги Рустам Умировга отаси

**РИСБЕК отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, милиция катта лейтенанти

**Тоҳир ЙЎЛДОШЕВнинг**

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИББ Тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Зокир Йўлдошевга укаси, Юнусобод тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, милиция катта лейтенанти

**Тоҳир ЙЎЛДОШЕВнинг**

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан таъзия билдирадилар.

**Спорт**

# ТУРНИР ЖАДВАЛИ ТАСДИҚЛАНДИ

Аввал хабар берганимиздек, республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва назоратчи ташкилотлар жамоалари ўртасида "Ватан ўғлонлари" кубоги учун ўтказиладиган анъанавий турнирга қизғин тайёргарлик кўрилаяпти.

Ташкилий қўмита йиғилишида қуръа ташланиб, турнирда иштирок этувчи саккиз жамоа икки гуруҳга бўлинди. Дастлаб улар ўзаро куч синашадилар. Ярим финалда ўз кичик гуруҳларида биринчи ўринни эгаллаган жамоа бошқа кичик гуруҳда иккинчи ўринни қўлга киритган футболчилар билан учрашади. Шундан сўнг финал беллашувлари бўлиб ўтади.

Турнир жадвалига кўра кичик гуруҳлардаги ўйинлар 11, 14, 17 март, ярим финаллар 19 март, финал ва 3-4 ўринлар учун эса 21 март – Наврўз куни "Жар" спорт-соғломлаштириш мужмуи ўйингоҳида бўлиб ўтади.

Кичик гуруҳлардаги жамоалар қуйидагилардан иборат:

1. Республика ИИВ, Давлат божхона қўмитаси, МХХ, республика Прокуратураси.
2. Мудофаа вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

Кичик гуруҳлардаги учрашувлар "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуи ўйингоҳи ва Мудофаа вазирлиги ўйингоҳларидан бирида ўтказилади.

**Ўз мухбиримиз.**

# КЕНГ ҚАМРОВЛИ ТАДБИР

**Ёнғин хавфи ва унинг оқибатларини бошидан ўтказган кишигина яхши билади. Озгина бепарволик ва оловга нисбатан эҳтиётсизлик инсонларни туганмас дардга йўлиқтириши ёки мол-мулкидан ажратиб, хонавайрон қилиши сир эмас.**

Сурхондарё вилояти ҳудудида жорий йилнинг январь ойида 64 та ёнғин содир бўлди. Улар келтирган моддий зарар 6 млн. 143 минг сўмни ташкил этди. Бу аввалги йил шу даврига нисбатан 30 та кам фалокат юз берди, демакдир.

Баъзан фуқароларимизнинг бепарволиги сабабли аянчли ҳолатлар юз бермоқда. Масалан, Шўрчи тумани У. Дониёров номли жамоа хўжалигидаги "Серғайрат" маҳалласида яшовчи Ҳалима Абдураҳмонова ҳовлисидаги тандирга ўт ёқишда солярка ишлатиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузгани боис туман марказий шифохонасида ҳаётдан кўз юмди.

6 февраль куни Термиз шаҳридаги кўчалардан бирида газ печкаси узоқ муддат қаровсиз қолдирилгани натижасида содир бўлган ёнғиндан, уй-рўзғор буюмлари ёниб, кулга айланган.

Шунга ўхшаш ёнғин Денов тумани С. Раҳимов кўчасида яшовчи фуқаро В. Хидировнинг ҳаммомида ҳам содир бўлиб, 20.000 сўмлик зарар етказган.

Сўнгги кунларда об-ҳавонинг кескин совуши сабабли аҳоли турар жойларида ёнғинлар сони ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, турар жойларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вилоят ИИБ ЁХБ ходимлари томонидан кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, шаҳар ва туманлардаги ўрта мактабларда 10 соатлик "Ёнғин хавфсизлиги" дарсларининг ўтилиши йўлга қўйилиб, назоратга олинди. Қизириқ, Шеробод, Сариосиё, Қумқўрғон туманларидаги ўрта мактабларда викториналар ўтказилди.

**А. НОМОЗОВ,**
*ички хизмат катта лейтенанти.*


**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

**MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi,1**

**Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.**

Bosh muharrir
**Zokir ATAYEV**

Bosh muharrir o'rinbosari v.b.
**Murod TILLAYEV**

Mas'ul kotib
**B. AZIMOV**
Navbatchi:
**Sh. XUDOYBERDIYEVA**
Musahhihlar:
**M. AKRAMOVA**
**G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi va dizayner:
**A. MIRZAMUHAMEDOV**

**TELEFONLAR:**
**Bosh muharrir o'rinbosari 139-77-23.**
**Mas'ul kotib 139-73-88.**
**muxbirlar bo'limi 139-75-69.**
**Buxgalter 139-75-37.**
**Faks 54-37-91.**

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

**E-mail:**
**urmvd@globalnet.uz**

**Bizning hisob raqamlarimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida: 21596000200447980001, MFO 00014.**

**ABN AMRO Bank MB O`zbekiston A.J. 20210000300447980002 MFO 00831, i/r 5033853 INN 200637499**



*• Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart*
*• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.*
*• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.*



Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida **00007** raqam bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma **Г — 151.**
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.
Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — **180**

Umumiy tiraji **48.239** nusxa.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**

Korxona manzili:
**Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.**

1, 2, 3, 4, 5, 6.